

ADOLAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 21 (1032) • 2015-yil, 15-may, juma



Озодликдан бошланган ободлик

➤ Мухаррир минбари

Бугунги шиддатли давримиз, кескин суръатларда кечаётган интеграциялашув, глобаллашув ҳар бир инсондан она сайёрамизнинг турли ҳудудларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик

ҳисси билан яшашни тақозо этмоқда. Гўё чегаралар шаффофлашиб, дунё торайгандек: дейлик, дунёнинг ғарбий нуқтасида юз берган воқеа-ҳодиса орадан бир неча сониялар ўтар-ўтмас шарқий нуқтада акс-садо беради, мутаносиб муносабат уйғотади.

Бу жараёнда жаҳон миқёсида ҳали-ҳамон давом этаётган иқтисодий-молиявий инқирознинг қўллаб давлатларда вужудга келаётган салбий оқибатлари ҳам кўз ўнгимизда намён бўлмоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам ишсизликнинг кучайиши, пулнинг қадрсизла-

ниши, катта-катта завод-фабрикаларнинг, ишлаб чиқариш корхоналарининг ёпилиши кузатилмоқда. Табиийки, бундай шароитда, биринчи навбатда, давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя учун ажратилган миқдори қисқартирилади.

2➤

ХАЛҚ ТАРИХИЙ ХОТИРА БИЛАН БАРҶАЁТ

➤ Муносабат

Кўпни кўрган кекса отахон ва онахонларимиз ҳар сафар дуога қўл очишар экан, Яратгандан тинчлик ва осойишталик тилашади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, тинчлик ва осойишталиксиз барқарор тараққиётга ҳам, фаровонликка ҳам эришиб бўлмастлигини халқимиз яхши англайди. Мамлакатимизнинг салкам 24 йиллик мустақил тараққиёти давомида эришган ютуқлари ҳам айнан тинчлик ва осойишталикнинг мевасидир.



Президентимиз 9 май — Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида эл-юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганлигини қайд этиб, "Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимиз-

нинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айланиб кетган", — деб таъкидлади.

3➤

Ташкилотчилик қобилияти

ҳар бир сафдошимизни фаолликка ундайди

➤ "Адолат"нинг адолатли аёллари

Партияимизнинг жорий йил 10 февраль куни бўлиб ўтган VII Қурултойи доирасида "Энг намунали партия ташкилоти" республика кўриктанлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилиб, танловнинг "Энг намунали туман, шаҳар партия кенгаши" йўналиши бўйича Шаҳноза Аҳмедова раҳбарлик қилаётган Фарғона шаҳар партия кенгаши I даражали диплом билан тақдирланган. Бу ютуқ фарғоналик сафдошларимизга янада куч-ғайрат бағишлади.



4➤



Ижтимоий назорат самарадорлиги

партия кенгашлари ва депутатлар ҳамкорлигини талаб этади

➤ Фаолият

Аввало, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партиявий ёндашувни такомиллаштиришга оид бир ижобий ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашининг ту-

ман, шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, барча доирадаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бу гал бошланғич партия ташкилоти фаолият юритаётган бинода ўтказилиши лозим топилди. Нега?

2➤

Ёшларнинг бизнес-лойиҳалари

молиявий қўллаб-қувватланмоқда

➤ Ижтимоий шериклик

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш устувор вази-фалардан этиб белгиланган. Ушбу дастурий мақсадни амалга ошириш учун партия Сиёсий Кенгаши, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида республикаимиз ҳудудларида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами учун, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш" мавзусига бағишланган навбатдаги тадбирлар 12-13 май кунлари Шеробод ва Қумқўрғон туманларида бўлиб ўтди.

2➤

ФАЙЗУ БАРАКА чашмаси

— Ҳар гал кексалар қўлларини дуога очиб, "Илоҳим, тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик бўлсин!", дея тилак билдираркан, беихтиёр руҳий тетиклик ҳис этамиз, уларнинг борлигига шукрона айтаемиз, — деди Пискент туман партия кенгаши раиси Хадича Зоидова.

5

ТАРИХНИ акс эттирувчи кўзгу

Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейи энг йирик илмий-маърифий марказ ҳисобланиб, унинг захирасида 300 мингга яқин бебаҳо осори-атиқалар, жумладан, археологик (72 минг), этнографик (18 минг), нумизматик (100 минг), қадимги буюмлар (17 минг), бадий асарлар (1300), фотосуратлар ва ҳужжатлар (70 минг) ва бошқа тарихий ашё, манбалар жамланган.

7

РЕКЛАМА: хатолардан холи бўлса...

Афсуски, сўнгги пайтларда шаҳар кўчалари, хиёбонлари, бино ва иншоотлари, ёритиш ус-тунлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектла-рига жойлаштирилган айрим реклама, эълон, ёзув ва турли ахборотларда орфографик ха-толар учраётганидан кўз юмиб бўлмайди.

8

Ёшларнинг бизнес-лойиҳалари

молиявий қўллаб-қувватланмоқда

Давоми. Бошва 1-бетда

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати, ҳамкор ташкилотлар масъул ходимлари, тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган



хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар томонидан қайд этилганидек, республикамизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келиши ҳамда барқарор даромад манбаларини шакллантиришида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тadbirkorликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга, оливий тadbirkorлар, хунарманд ва касаначилар фаолиятини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бу борада кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилган, жойларда ёшлар билан учрашувлар, кўргазмалар семинарлар, танловлар ўтказилмоқда. Кам фоизли сармоялардан унумли фойдаланиш мақсадида пухта бизнес-режа тузаётган ёшлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий маънаеи кўп жиҳатдан ўзгариб, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, тadbirkorлик соҳаларидаги иштироки кучайди, иқтисодиёт ривожига ҳиссаси ортиб бориши натижасида улар иштирокидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар сони доимий равишда ошиб бормоқда.

— Ижтимоий ҳамкорларимиз билан биргаликда ташкил этилган бугунги тadbirkorдан кўзланган мақсадимиз ҳам айнан аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз тadbirkorлик

фаолиятларини йўлга қўйишларига қўмаклашиш борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ермат Холияров. — Ўз навбатида, қатнашчилар партиямиз томонидан аёллар ва ёшлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш борасида олиб бори-

чора-тadbirkorлар самарасига ишончини мустаҳкамлаб, ўз олдларига қўйган мақсадлари сари олға интилишларига тўртки бўлди.

Ҳар иккала туманда бўлиб ўтган тadbirkorнинг асосий қисмида Ўзбекистон "Адолат" СДП, "Микрокредитбанк" АТБ ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тadbirkorлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган жами 20 нафар коллеж битирувчиси ва 10 нафар хотин-қизларга бизнес-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий миқдори 277.5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Кичик тикув цехи очиб бўйича бизнес-лойиҳамни тегишли комиссияга тақдим этган эдим, бугун ўз ишимни бошлаш учун 5.9 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим, — деди Шеробод қурилиш ва халқ хунармандчилиги касб-хунар коллежи битирувчиси Зарина Хусанова. — Ўз ишимни ташкил этиш орқали яна тўрт нафар тенгдошимни ҳам иш билан таъминлашни режалаштирганман. Шунингдек, бугунги тadbirkorликда тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришда коллеж битирувчилари учун яратилган имтиёзлар, бизнесни юритишда ҳужжатлар билан ишлаш ва бошқа муҳим масалалар юзасидан мутахассислардан зарур маслаҳат ва тавсияларни олдик.

лаётган амалий ишлар, лойиҳалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Мазкур тadbirkorнинг амалий аҳамиятга эга жиҳатларидан яна бири унда ўтган йилларда тижорат банкларида олинган кредитлар эвазига ўз тadbirkorлигини йўлга қўйиб, ривожлантираётган хотин-қизлар ва ёшлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар, хунармандчилик буюмларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилганлигидир. Бу ҳам иштирокчиларнинг айни пайтда амалга оширилаётган



Тadbirkorлар доирасида "Адолат" СДПга аъзо бўлиш истагини билдирган 18 нафар бўлғуси тadbirkorларга партияга аъзолик билетлари ҳам топширилди.

Бу каби тadbirkorлар, албатта, ёшлар ва хотин-қизларнинг демократик ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини кучайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган соҳаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП матбуот хизмати



Озодликдан бошланган ободлик

Давоми. Бошва 1-бетда

Янги қурилишлар қилиш, ободончилик ишларини олиб бориш ҳақида-ку, гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Натижада "занжирли реакция" тизими ишга тушади: янги иш ўринлари яратилмайди, демак, ишсизлар сони ортади; инфляция даражаси ошади, пул кескин қадрсизланади; махсулот ишлаб чиқариш ҳажми камаюди, бу эса бюджет тушумининг кескин камайишига олиб келади; молия муассасалари касодга учрайди ва ҳоказо...

Ҳар ким меҳнатига яраша яшайди, ниятига яраша насибасини олади, дейди кўпни кўрган кексаларимиз. Аслида ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шу. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, жаҳонда ўзбек халқидек меҳнатсевар, иродаси бақувват, иймони бутун ва нияти пок эл бўлмаса керак. Юртбошимиз сўзлари билан айтганимизда, "бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусалло бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!"

Қаранг, мана шу сўзларнинг исботи ўларок, яқиндагина АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан БМТ кўмагида ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусидаги сўроб рейтингиде мамлакатимиз 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.

Буларнинг бари бежиз эмас. Бу утуқларимизнинг барчаси ортида Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб, одилона ва оқилона юриётган сиёсати, меҳнатсевар ва ҳалол халқимизнинг бунёдкорлик жасорати турибди.

Одам қачон ўзини бахтли ҳис этади? Қачонки, бугунги кундан хотиржам бўлса, эртанги кун янада фаровон кечишига ишонса, оиласидан, фарзандларидан, яқинларидан, Ватанидан кўнгли тўқ бўлса.

Кейинги йилларда юртимиз, айниқса, йирик шаҳарларимиз, ҳаттоки катта-кичик қишлоқларимизнинг жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳатто бир йил-ярим йил кўрмаган шаҳрингга келсанг, адашиб қолиш ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. Бугун она Тошкентимиз, вилоятларимиз марказлари биз бир пайтлар рангли журналларда ҳавас билан томоша қиладиган мегаполислардан ўтса ўтадики, сира қолишмайди.

Бундан атиги йигирма-ийгирма беш йил муқаддам пойтахтимизнинг "Эски шаҳар" худуди номига жуда мос келарди. Чунки бу ерда аҳоли йиллар, ўн йиллар, асрлар давомида кўрimsиз, пасткам уйларда, жинкўчаларда яшаб келган. Узоққа бориб ўтирмайлик, бир пайтлар ўзимиз ҳам эски шаҳарнинг лойсувоқ уйларида ижарада турганмиз. Кишда кўмир ҳидига бўғилиб, баҳор-

да кийим-кечакларимизни чаккадан асраш мақсадида жомадонимизга жойлаб, ўзимиз билан ўқишга олиб бориб юганимиз ҳам ҳаққаст рост. Бугун бу гаплар ёшларга бир эртақдек туюлади. Чунки улар бугун "Эски шаҳар" деб айтишга тил ийманадиган даражада чиройли, замонавий бинолар, бог-рог-

риляётган кенг қўламли ислохотларнинг самарасидир.

Кишини мамнун этадиган томони шундаки, истиқлолдан, озодликдан бошланган ободлик ишлари бутун мамлакатимизда, барча вилоятларимизда кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Ўтган ҳафта Самарқандда бўлганимиз-



лар, кенг ва раvon кўчаларда ўсиб, улгайишмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов 12 май кўни Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш асосида мазкур худудда, Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприкнинг ишга туширилишида иштирок этди. Эни 26 метр, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприкни ўзимизнинг қурувчилар саккиз ой ичида бунёд этишди. Ваҳоланки, авваллари бунақа ишлар учун қайси чет эл фирмасининг моҳир усталарини чақириб устида бoш қотириларди.

Бу кетишда Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналининг баҳосига кўра, дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида ҳозирча 58-ўринни эгаллаб турган пойтахтимиз яқин йиллар ичида рўйхат пешқадами бўлиб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу ниманинг самараси? Албатта, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг, инсон омили биринчи ўринга қўйилган ҳолда олиб бо-

ла "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Хасан ака Нормуродов шу мавзуда ҳаяжонлиб гапириб қолди:

— Шаҳримиз жуда қисқа муддат ичида худди "Минг бир кеча эртақлари" даги афсонавий, кўзни қувнатадиган шаҳарга айланди. Гоҳо ўзим ҳам илоё Самарқандни ёмон кўзлардан асрасин деб кўман...

— Э, кейинги уч-тўрт йил ичида Нукусни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! — дея гурунгни давом эттиради қорақалпоғистонлик таниқли ёзувчи Ўрозбой Абдурахмонов. — Қорақалпоқ қорақалпоқ бўлиб ҳали бундай сулув Нукусни кўрмаганди.

— Гуллар шаҳри Наманган водий гавҳарига айланди, — дейди истеъфодаги подполковник Тўрамирза Орипов фахр билан. — Яқинда кўшни давлатдан келган меҳмонлар билан биргаликда айлангандик, улар ўз кўзларига ишонмаётгандай, шаҳримизни қайта-қайта суратга олишди...

Албатта, бундай ҳаяжонли, самимий дил сўзларини вилоятларимиздаги ҳар бир шаҳар ҳақида айтиш мумкин.

Дунёни гўзаллик қутқаради, дейишади. Бугун юртимизда чиройли уй-жойлар, иншоотлар, маъмурий бинолар, завод-фабрикалар, аэропорт-вокзаллар, йўл-кўприклар қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимиз учун, инсон учун. Гўзалликка ошуфта қалблар, гўзалликка ошно юраклар мўъжизалар яратиши ҳам бор гап. Демак, ҳали юртимиз дунё миқёсида кўп бор ўз сўзини айтди. Демак, биз танлаган ва дунёда "ўзбек модели" деб ном олган, машҳур беш тамойилга асосланган тadbirkorлик — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Ислам ҲАМРОЕВ

Ижтимоий назорат самарадорлиги

партия кенгашлари ва депутатлар ҳамкорлигини талаб этади

Давоми. Бошва 1-бетда

Вилоят партия кенгаши БПТлар билан яқин ҳамкорликда ишлаши ва уларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини намойён этиш учунми? Эки сиёсий фаолиятга доир масалаларни таҳлил этиш баробарида ўз электоратининг талаб-муддаоларидан чуқурроқ хабардор бўлиш мақсадидами?

Йиғилиш тафсилоти, унда билдирилган фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратадиган бўлсак, мақсад анчагина ҳиддий ва янгича ёндашувларни талаб этаётганлигини сезамиз.

Биринчидан, вилоят партия кенгаши бир қатор меҳнат жамоаларида ташкил этилган ва электорат билан беvosита ҳамкорликда ишлаётган БПТлардан кўпроқ амалий натижалар талаб қилиб, уларни жамоатчилик назоратини амалга оши-

ришда фаолроқ иштирок этишга ундаяпти.

Иккинчидан, бошланғич партия ташкилотларининг раислари ўз ҳуқуқ-ваколатларини қай даражада тушуниб етишларини аниқлаб, уларга зарур тавсия, маслаҳатлар беришга, ўз худудларидаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан яқин ҳамкорликни таъминлашлари-га эътиборни қаратаяпти.

Ахир вилоят партия кенгаши ҳисобиде бугун 385 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда, — вилоят партия кенгаши раиси М.Бобоёров. — Уларнинг аксарияти маҳаллаларда, саноат, қурилиш корхоналарида, соғлиқни сақлаш муассасаларида тузилганлигини назарда тутадиган бўлсак, партия кенгашига БПТлар орқали электорат муаммоларидан хабардорлик ва аниқ ҳаракатларга эришиш қанчалик

муҳимлигини сезишимиз кийин эмас.

Шу боис йиғилиш иштирокчилари масалага ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, уни янада бойитиш йўллари ҳақида фикр билдирдилар. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Бионурмед-сервис" клиникаси ва "Сам-Антеп-гилан" қошидаги йирик бошланғич партия ташкилотлари депутатлар кўмагида салмоқли ижтимоий муаммоларни ҳал этаётганликлари алоҳида қониқиб билан қайд этилди. Шу боис бу жамоада электоратнинг партияга ишончи мустаҳкам.

Йиғилиш ўтказилган жой — "Самарқанд АЛ" концерни қошидаги БПТ ҳам ижтимоий муаммоларга нисбатан сезгирлиги, ҳозиржавоблиги билан жамоада обрў қозонган. — Энди биз йўлсозлик ва коммунал хизматдаги камчиликларни жамоатчилик назорати орқали те-

гишли бошқарув идоралари эътиборига ҳавола этмоқчимиз, — деди шу корхонадаги БПТ раиси Ш.Алибеков. — Демак, бизнинг вазифамиз соҳа мутахассисларидан масъулият талаб қилиш, ижрони назорат этиш баробарида фуқароларнинг ўзларида ҳам муаммога нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотишдан иборат.

Партия фаолларидан Тўраҳон Ҳошимов бу фикрни қўллаб-қувватлаб, жамоатчилик назоратининг самарадорлиги энг аввало фуқароларнинг унда фаол иштирок этишлари билан белгиланишини таъкидлади.

Партиянинг Самарқанд тумани ва Каттақўрғон шаҳри кенгашлари раислари З.Қуддусова ва Ш.Тоғаев ижтимоий масалаларни кун тартибига олиб чиқишда БПТларнинг депутатлар билан ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ҳақида фикр билдирдилар.



Вилоят партия кенгашининг депутатлар билан ишлаш бўлими раҳбари М.Бобоёкова ҳам БПТлар мурожаатлари асосида ижтимоий мониторинг ўтказиб, маҳаллий вакиллик органларининг доимий комиссиялари ва сессиялари муҳокамалари учун тақлиф тайёрлаш зарурилиги ҳақида гапирди.

Йиғилишда сиёсий фаол, ижтимоий ҳозиржавоб БПТларнинг тажрибасини партия тизимида кенг оммалаштириш ҳақида келишиб олинди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

ХАЛҚ ТАРИХИЙ ХОТИРА БИЛАН БАРҲАЁТ

Барқарор тараққиётимизнинг муҳим омили

Давом. Бошқ 1-бетдан

Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳар бир фарзанди қадим-қадимдан Ватан учун, унинг озодлиги учун жон фидо этиб келган. Ватанни ҳимоя қилишдек олижаноб қадрият халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бугунги кунда ҳам ўғлонларимиз Ватан ҳимоясига энг юксак шон-шараф сифатида қарамоқдалар ва аждодларимизнинг бу борада кўрсатган мардлиги, жасорати ва шижоатини ўзларига дастуриламал, деб билмоқдалар. Айниқса, ёшларимизнинг бугунги таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган дунёда бепарво бўлмасдан, вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда ўз юртини севиб, ардоқлаши, туپроғини муқаддас деб билиб, кўзларига тўти қилиши, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи барчамизга куч бағишламоқда.

Бугун биз XXI аср — глобаллашув замонида яшаймиз. Ўтган аср қатагон ва урушлар кенг авж олган ва кўплаб инсонлар ҳаётига қирон келтиргани ҳамон ёдимизда. Мантқиқан олиб қараганда, инсоният бундан тегишли сабоқлар чиқариши, янги асрда бу каби воқеа-ҳодисаларнинг юз беришига йўл қўймайлик керак эди. Афсуски, XXI асрда дунё хавфсизроқ бўлиб қолмади. Сайёрамиз узра урушлар, жангу жадаллар ҳали-ҳануз тинган эмас. Янги давр таҳдид ва хавф-хатарларга лиммо-лим эканлигини кўриб, дунё ҳали ҳам мўрт эканлигига яна бир бор иқдор бўлмоқда. Бугун ахборот хурурлари тобора кучайиб бормоқда. Турли йнвою бўҳтонлар, “рангли инқилоблар”, давлат тўнтаришлари илдиш отаяпти. Жаҳон майдонига буюк давлатлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юз бермоқда. Агар ушбу хавфли тенденция ўз вақтида бартараф этилмаса, инсоният янги уруш гирдобига қолиши эҳтимолдан холи эмас.


Шулар тўғрисида ўзининг аниқ таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдираган экан, Юртбошимиз бугунги кун ва яқин истиқболнинг умумбаршарий, умуминтақавий ва умумиллий долзарб масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Энг авва-

ло, ҳозирги кунда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш йўлида ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, қаттиқ курашимиз лозим. Дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, фашизм, миллатчилик, шовинизм каби хавфли офатларнинг пайдо бўлаётганлиги барчамиздан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимизни талаб этади.

Бу борада бизга тарих жуда яхши сабоқ бўлиши керак. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши эллик миллиондан ортиқ одамнинг ёстигини қуритгани, шундан беш юз мингдан ортиги бизнинг ота-боболаримиз эканлигини бутун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси яхши билади. Бу галаба юз минглаб аёлларимиз бева, болалар эса етим бўлиб қолгани, фронт ортда оғир шароитларда кеча-кундуз тинимсиз меҳнат эвазига кўлга киритилгани барчага аён. Бағрикенг, олижаноб халқимиз ўзининг шароити қанчалик оғир бўлишига қарамасдан уруш натижасида эвакуация қилинган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, ўз хонадонларидан жой бердилар. Уларнинг икки юз мингдан зиёди болалар эди.

Фашизм устидан қозонилган галаба бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам урушда кўрсатган матонати, мардлиги ва қаҳрамонликлари эвазига кўлга киритилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Албатта, 338 нафар юртдошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олганлиги шундан далolatлар. Президентимиз таъкидлаганидек, “Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир “улуғ дохий” учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган. “Қани энди, юртинми, ўзининг азизларини яна бир бор кўрсам”, деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Мамлакатимиз тинчлик тарафдор, Ўзбекистон ҳеч қан-



Ўшқ оғрак суғрак

дай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудидида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашуви, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидида бўлишига йўл қўймайди. Ана шу маънода, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан 2012 йилда қабул қилинган муҳим сиёсий аҳамият касб этаётган ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепцияси миллий хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётимизни бундан кейин ҳам таъминлаш, иқтисодий ўсшнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолиш, юртимизда ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодига ҳамда фуқаролик жамиятига асосланган

эркин демократик давлат куриш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш учун имкон қадар кулай ташқи шароитларни яратиш талабларига жавоб беради. Маз-

Хулоса қилиб айтганда, Ватан — улуғ, ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз, уни дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. У борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз юксак, гурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарордир. Шундай экан, ана шу табаррук замин, мусаффо осмон, эркин ва осуда ҳаётни ҳимоя қилиш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш — ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қодир Жўраев,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Муҳтарам Президентимизнинг 8 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХ давлатлари раҳбарларининг учрашувидаги фикрларини тинглаб, шундай озод, обод, тинч ва фаровон юрда яшаётганимдан, халқ вакили — депутат сифатида фаолият олиб бораётганимдан мамнуният ҳиссини туйдим.

Инсоният келажаги учун муҳим ғоялар

Чунки бундай кунларга осонликча эришилмаганлиги, қанчадан-қанча ватанпарвар, фидойи, мард ва жасур инсонлар, жумладан, бизнинг ота-боболаримиз ҳам бу йўлда ўз жонларини фидо этганликлари яна бир бор ёдга олинди. Биргина уруш туфайли инсоният кўрган зарар, унинг аянчли оқибатлари аниқ мисолларда баён этилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан дунё ҳамжамияти учун ҳозирги ўта таҳликали бир шароитда, геосиёсий манфаатлар тўқнашган қалтис бир вазиятда чуқур мулоҳаза билан сиёсат олиб бориш лозимлиги, низооларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги қайд этилди. Керак бўлса, МДХ давлатлари раҳбарларига тажрибали ва доно сиёсатчи сифатида маслаҳат берилди. Шу ерда жам бўлган мамлакат раҳбарларининг юз ифодаларида ҳам Президентимиз томонидан илгари сурилган ғояларнинг долзарб ва ўринли эканлиги, унга улар эътирозсиз қўшилишга тайёр эканликлари яққол сезилиб турди.

Ҳажман қисқагина нутқда инсоният келажаги учун муҳим бўлган энг илғор ғоялар ўз аксини топган эди. Тобора мураккаблашиб бораётган давлатларaro муносабатларни ҳал этишда БМТ ролинни кучайтириш, унинг таркибий қисмларини ислоҳ этишга қаратилган ғоялар илгари сурилди. Дарҳақиқат, бутун инсоният тинчлигини кўзлаб тузилган халқаро ташкилотнинг асосий тузилмаси

ҳисобланган Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг бир хил ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлиши ҳамда бу амалда тўлиқ таъминланиши лозимлиги энг муҳим масалалардан биридир.

Иккинчидан, низоолар ўзаро келишув асосида, фақатгина тинч йўл билан ҳал этилиши зарурлиги қайд этилди. Бу ҳозирги қалтис вазиятда энг муҳим қарордир. Украинада давом этаётган низооларни ҳал этиш учун керак бўлса, АҚШ ва Россия мамлакатлари раҳбарлари ўзаро учрашиб, бу масалани келишув асосида ҳал этиши лозимлиги тақлиф сифатида илгари сурилди.

Учинчи жаҳон уруши — бу инсоният тарихида энг сўнгги уруш бўлиб қолиши мумкинлиги, бу масалани чуқур аниқлаш ва унга йўл қўймайлик чораларини кўриш лозимлигига оид тақлифлар нафақат МДХ мамлакатлари, балки бутун дунё давлатлари раҳбарлари учун айтилган дўстона маслаҳат, бутун инсоният тинчлигини кўзлаб билдирилган асосий тақлифдир.

Бизни қувонтирган асосий масала шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан тинчликсеввер мамлакатнинг раҳбари сифатида, нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти манфаатлари доирасида тақлифлар айтилиши, дунё халқлари бундай ғояларни оқийишлар билан қўтиб олишидир. Бу қувончлар, ўз навбатида, ҳар бир инсонга ўзига хос масъулият юклайди, муайян хулосалар чиқаришга чорлайди.

Биз бундай кунлар учун шукроналик туйғуси билан яшаймиз, ҳозиргача эришилган ютуқлар билан чеklangмасдан, улардан ҳаволанмасдан янги марралар сари олган интилишимиз лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, шундай тинч мамлакатда яшар эканмиз, аввало ҳушёр бўлиб, турли хавф-хатарлардан огоҳликда бизга берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, элу юрт, халқимиз, сайловчиларимиз манфаатлари йўлида тинмай хизмат қилиш олий бахтдир.

Шухрат ЯҚУБОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Тинчлик — олий неъмат

Ҳар қандайин қонли уруш халқни тез қаритади. Жанг даврида одам нафақат жисман, маънан, руҳан ҳам кексойиб қолади: фожиалар, йўқотишлар, изтироб одами эрта қаритади. Шу сабабли тарихий фильмларда биз уруш даврида сочи оқариб қолган болаларни кўраемиз.

Шу маънода уруш балосини бутун инсониятни қаритувчи офат, деб аташ мумкин.

Аммо тарих ҳамон урушлар тарихи бўлиб қолмоқда. Қонли йўқотишлардан ҳам керакли сабоқ чиқара олган айрим юртларнинг калта ўйлайдиган раҳбарлари ҳамон эртанги кунга соғлом нигоҳ билан қарай олмапти, натижада терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

барака кўтарилади”, деган ҳикмати унутилганди.

Нихоят, истиқдол даврига келибгина биз кўп ҳақиқатларни англаб етдик. Шулардан биттаси, шубҳасиз, бошимиздан кечирган қонли ва бешафқат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фожа ва қирғинларнинг олдини олиш, улардан одамзотни асраш учун тинмай ҳаракат қилишимиз лозимлигидир. Ахир дунёда тинчликдан ортиқ қандай неъмат бор?!

Биз дунё микёсида барча халқларнинг ўтаётган кунлари ёруғ, осмони мусаффо бўлсин, деймиз. Бунинг учун эса, Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда алоҳида таъкидлаб ўтганидек, тинчликсевар кучларнинг сазой-ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистонимиз тинчликсевар мамлакат сифатида олиб бораётган ташқи сиёсат ҳаммамизга яхши маълум. Яъни, биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли

ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

Энг асосийси, мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, республикамиз ҳудудидида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашуви, Ўзбекистон ҳарбий хизматчиларининг мамлакатимиз ташқарисидида бўлишига йўл қўйилмайди!

Халқимиз хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган бундай қатъий тамойиллар 2012 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги конституциявий қонунда ҳам белгилаб берилган.

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдириб ўтилган фикрлар “Адолат” партиясининг ғояларига, Сайловолди дастурига ҳаммаҳанглиги билан ҳам эътиборимизни тортди.

Зеро, “Адолат” СДП давлат суверенитети ва мустақиллиги мустаҳкамланишини, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги роли ва ўрни янада кучайишини, ривожланган демократик давлатлар сафига қўшилишини, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик алоқалари ўрнатилган ҳудуд ташкил этилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ермамат ХОЛИЯРОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Меҳрида ҳам мардлик мужассам

Буюк донишмандлардан бири инсониятни уруш йўқ қилишини олдин инсоният урушга йўқ қилмоғи керак, деган экан. Урушлар фақат вайронгарчилик келтирди, унинг шифқатсизлиги олдида одам ҳаёти зоррача қадрга эга эмас, оилалар, қанчадан-қанча кишилар бошига оғир мусибатлар тушади, юракларга бир ўмрлик битмас жароҳатлар солади.

Ота-онасидан, туғишганларидан айрилган етим-есирлар, фарзандидан жудо бўлган онаизорларнинг ноласи фашизм балосини бошлаган кимсаларнинг кўнглини қичалик ҳам юмшатамангана тарих гувоҳ, уларда кўнгли бормиди ўзи, дейсан беихтиёр. Бир ҳақиқат аён. Дунёда ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат, бирор замонда ҳам уруш бўлишини хошлаган эмас!

Боланинг бегонаси бўлмайди, дейдилар. Етим-есир, бева-бечорага меҳрини бериб, борини баҳам кўрадиган болажон халқимиз баркентлик фазилатларини мудоом намоён этиб келган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу азалий ва бебаҳо хислатларимиз қанчадан-қанча норасидалар, жафокаш қалбларга умид ва ҳаёт бағишлаганини нафақат тарих саҳифаларидан ўқиймиз, балки шу йилларда бунга ўз кўзи билан кўрган инсонларнинг ҳикояларидан эшитамиз. Меҳридарё ўзбек халқининг бундай муруватидан ҳаётга қайта келгандай бўлган инсонларнинг хотираларини ҳажжон билан тинглаймиз.

Кунни кеча мамлакатимизда кенг нишонланган 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига халқимизнинг бу юксак фазилатлари ҳам яна бир бор улуғланди. Давлатимиз раҳбари 9 май кунни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда бу ҳақда алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг: “Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болаларни эл-юртимиз қабул қилгани, охириги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, “Сен етим эмассан” деб, уларнинг бурганини ўз бағрига олиб, нафақат бошпана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-муруват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!” деган сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг

юрагидан жой олди. Ўзбекистонда ўз қадрларни бағрида ҳаловат топган бу жабрдийда инсонларнинг кўнглини юртимизда биз билан эл бўлиб, маҳалладош, қавм-қариндошимизга айлангани ҳам бор ҳақиқат.

Уша йилларда ҳазрати инсонлик қилган, ўнлаб етимларнинг бошини силаб, уларнинг ҳар бирига жондан азиз фарзандим, деб қараган юртдошларимиз минглаб хонадонларда ана шундай меҳр-муруват кўрсатгани фронт ортидаги катта жасорат намунаси эди.

Бугунги дориламон кунларда ўз буюк келажагини барпо этаётган мамлакатимизнинг 31 миллиондан зиёд аҳолиси орасида юқорида тилга олинган 1 миллионга яқин оила ва болаларнинг бугунги авлодлари — азиз юртдошларимиз ҳам борлигини гурур билан айтаемиз.

Ахборот манбаларидаги тасвирларда ҳозир ҳам дунёнинг қай ўлкаларида қонли тўқнашувлар туфайли уруш вайронлари ичида нажот тополмай йиғлаётган норасидалар овози, ноласи ҳали ҳам тинмаганлигини кўриб, изтиробу таассуфга тўласиз. Онг-тафаккури юксалган инсон бундай нурузликка қандай журъат этапти экан, деган саволга жавоб топишга қўйналади киши. Инсониятнинг давомчиси бўлган болажонлар ҳали норасидалигидеяқ урушнинг оғир юки остида қолишини нима деб аташ мумкин?! Бирор-бир изохга сизгадими бу муҳдиш ҳолат?! Йўқ, албатта. Чунки олам аҳли урушларсиз, тинч-осудаликда яшамоғи керак, бу ҳар бир инсоннинг олий ҳуқуқидир.

Акмак БУРХАНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Худудий партия ташкилотларида

Электорат манфаати

ва партия салоҳияти акс этган бўғин

БПТ — партия таянчи

Сиесий партиялар доимий равишда ўз электоратини ўйлантирган муаммоларни яндода чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўришга диққат-этиборини қаратиб келади. Бу вазифани қанчалик бажариш эса бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги узвий боғлиқ. Чунки кўйи бўғин электорат билан бевосита ишловчи, жойлардаги мавжуд муаммолар, этибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яқиндан хабардор бўғиндир.



Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида "Адолат" СДПнинг етти минг олти юз нафардан ортиқ аъзолари бўлиб, улар 212 та БПТга бирлашган. Мазкур БПТлар фаолият мезони сифатида партия аъзоларини дастурий мақсад ва вазифаларни тарғиб қилиш йўлида жипслаштириш, уларнинг қабул қилинаётган янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўғрисида кенг тушунчага эга бўлиши, сиесий-ҳуқуқий билимдонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари диққат марказида бўлмоқда. Шунингдек, партиядошларимиз худудда ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиб, улар тезкор ҳал этилишида партиянинг маҳаллий Кенгашларида депутатлик гуруҳлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига тегишли таклифлар беришга, партиявий ишларда бир ёқадан бош чиқариб ишлашга қатъий интилоқдалар. Шу боис партия аъзоларида фаоллик, ташаббускорлик, масъулият ҳисси ортиб, бу эса ишдаги ижобий самараларда акс этаяпти.

Курашиш марказида янги БПТ ташкил этилганлиги фикримизнинг далилидир. Вилоят ОИТСга қарши курашиш марказида янги БПТ очилиши муносабати билан "Адолат" — ҳаётиимизнинг бош мезони" номли тадбир ўтказилди.

— Мазкур янги ташкилот аъзолари аҳоли саломатлиги-



ни муҳофаза қилиш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш билан бирга жамиятимиздаги ижтимоий-сиесий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Бу маскандаги бошланғич ташкилот фаоллари партиявий-сиесий ишларни йўлга қўйиш, маслақдошларнинг билим ва малакасини ошириш борасида етарли салоҳиятга эга, десак асло хато қилмаймиз, —

деди Термиз шаҳар партия кенгаши раиси Б.Ашуров. — Марказда фаолият олиб бораётган саломатлик посбонларидан 21 нафарининг "Адолат" СДП Устав ва дастурларини кўллаб-қувватлаши асносида тузилган БПТ сиесий кўннинг муҳим тузилмаси сифатида келгусида ўз амалий ишлари келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўз ролини тобора кучайтириб бормоқда, — деди янги БПТ раиси, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори Тошмурод Қобулов. — Бу борада партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши ҳам маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва кўйи тузилмалар ҳамкорлигида жойларда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиесий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳа ва тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани Марказимиздаги сафдошларимиз этиборини жалб этмоқда. Шундай экан, улар ўз келажаги, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир киши ана шундай хайрли ҳаракатлардан четда турмаслиги керак, деб билдирилди.

Айни пайтда бошланғич партия ташкилоти фаоллари "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ, кексалар саломатлигини назорат қилиш, жойларда соғлом турмуш тарзига риоя этили-

ши, бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилишни режалаштирган. Бундан ташқари, БПТ аъзолари ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб, турли касалликларнинг олдини олиш борасида аҳолига зарур маслаҳат ва кўрсатмалар беришмоқда. Шунингдек, белгиланган режалар асосида жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришда худудда партиянинг ўз ўрни бўлишига эришиши, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, мадавлат нотариат ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда жойларда давра суҳбатлари уюштириш, ёшлар ўртасида турли тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жамоатчилик орасида бундай тадбирларнинг ташкил этилиши партияимиз обрў-этиборининг ошишига олиб келади. Аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш амалий самаралар бериши шубҳасиз. Шу мақсадда БПТ фаоллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликка жиддий этибор қаратишмоқда.

бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилишни режалаштирган. Бундан ташқари, БПТ аъзолари ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб, турли касалликларнинг олдини олиш борасида аҳолига зарур маслаҳат ва кўрсатмалар беришмоқда. Шунингдек, белгиланган режалар асосида жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришда худудда партиянинг ўз ўрни бўлишига эришиши, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, мадавлат нотариат ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда жойларда давра суҳбатлари уюштириш, ёшлар ўртасида турли тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

"Ўздавнефтегаз" инспекцияси Бухоро вилоят бўлими ва Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йилида амалга оширилаётган вазифалар доирасида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб "Кексаларни эъзоз топган юрт" номли хайрия тадбири ўтказилди.

Мазкур ҳамкорлар ташкилотчилигида юз нафарга яқин кекса ота-онани Баҳоуддин Нақибанд мажмуаси ва шаҳардаги бошқа тарихий обидаларни зиёрат қилишди. Сўнгра тадбир доирасида кексаларга иззат-икром кўрсатилиб, уларга байрам дастурхони ёзилди.

Вилоят партия кенгаши фаоллари ёши улғу кишиларни, кўпни кўрган нуронийларни доимо ҳурмат қилиш, уларга суянк бўлиш, гамхўрлик қилиш азалий қадриятларимиз эканлигини, бу миллий қадриятларимиз истиқлол йилларида юксак мақомга кўтарилиб, фаровон ҳаётимизда ёрқин акс этаётгани ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Тадбирда қатнашган уруш ва меҳнат фахрийлари жаннатмонанд юртимиз кундан-кунга обод бўлаётгани, кексаларга кўрсатилаётган гамхўрликдан бениҳоя хурсанд бўлиб, тинчлик-хотиржамликда, барчанинг меҳр ва ардоғида умргузаронлик қилишаётгани ҳақида сўзладилар. Самимий тилаклар куй-қўшиқларга уланиб, кўнгилларни шодликка тўлдирди.

Таъкидланганидек, хонадонларимизнинг файзу фариштига кекса бобо ва бувижонларини, ота-оналаримизни эъзозлаш, уларнинг хизматида камарбаста бўлиш, айниқса, эзгу анъаналар руҳида камол топаётган ёшларнинг гўзал фаилатларига айланаётгани қувончлидир. Бу эзгу амаллар ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, одамлигимиз мезони саналади.

Гулбахор ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

"СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ"

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қизилтепа туман кенгаши, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган партия аъзолари — педагог ва ишчи-ходимлар ҳамкорлигида "Соғлом аёл — соғлом жамият" шiori остида гимнастика (гимнастрада) спорт мусобақаси ўтказилди.

120 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этган мазкур мусобақада ғолиб жамоалар туман партия кенгаши томонидан 1-, 2-, 3-даражали дипломлар билан тақдирланди ва уларга эскилик совғалари берилди. Шунингдек, "Энг фаол жамоа" номинациясига 7-болалар ва Ўсмирлар спорт мактаби жамоаси, "Энг ёши улғу" номинациясига 27-умумтаълим мактабининг аёллар жамоаси сазовор бўлдилар.

Мазкур тадбир доирасида "Оилалар ўртасида репродуктив саломатлиқни сақлаш ва соғлом оилада соғлом бола дунёга келишини таъминлаш муаммолари", "Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда иштирок этган маҳалла аҳли, хотин-қизлар ва ёшлар мавзуга доир ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Мақсуд ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сурхондарё вилояти
кенгаши матбуот котиби

Садоқат ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Навоий вилояти
кенгаши матбуот котиби

Ташкилотчилик қобилияти ҳар бир сафдошимизни фаолликка ундайди

Давоми. Боши 1-бетда

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мақоламиз қаҳрамони "Адолат" СДПга меҳрини бериб, меҳр ва ҳурмат толди. Партиянинг халқчил гояларини кенг орасида тарғиб этиб, маслақдошлар сафини кенгайтиришда фаоллик кўрсатди. Уларда социал-демократик гояларга қизиқиш уйғота олди. Шу боис Фарғона шаҳар партия ташкилоти "Адолат" СДП тизимидаги энг фаол тузилмалар қаторидан жой олди. Хар куни партиявий масалаларни ҳал этиб, долзарб вазифалар ижросига киришар экан, Шаҳноза сафдошларнинг ишончини оқлашга, уларни партия ишларига сафарбар этишда, аввало, ўзи намуна бўлишга интилади. У сиесий тизимда худудий ташкилот раҳбари бўлишнинг масъулиятини чуқур англайдиган, билимдон, ташкилотчилик қобилиятига, ёш бўлса-да, зарур тажриба ва малакага эга фаолларимиздан биридир.

Хозирги пайтда Фарғона шаҳар партия кенгаши вилоятдаги энг фаол ва намунали ташкилотга айланган. Унинг тасарруфидаги БПТлар сони 28 тага етди. "Адолат" СДП аъзолари эса минг нафардан ортади. Сафдошлар орасидаги Фарғона политехника институтини ўқитувчиси, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Шохида Аббосова, Республика шойлининг тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали директори Одилжон Умаров, вилоят руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори Қуддус Каримов, наркология диспансери бош шифокори Ойбек Дадабоев, ҳарбий техника йўналишидаги академик лицей директори Ғолибжон Эрназаров, 44-мактабгача таълим муассасаси мудири Дилоромхон Бўрибекова, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналар ва болаларга тиббий хизматни ташкил қилиш бўйича бош мутахассиси Раънохон Сулаймонова каби фаолларнинг фидойиларча саяё-ҳаракатлари билан ютуқлар йил сайин бойиб бормоқда, худудий ташкилотнинг обрўси ортомқда.

Партияимиз Уставида мустаҳкам белгилаб қўйилганидек, бошланғич партия ташкилотлари партиянинг асосий бўғини ҳисобланади. Улар билан партиявий ишларни кучайтираётган шаҳар партия кенгаши раиси Шаҳноза Аҳмедова худуддаги қатор ҳўжалик, муассаса ва корхоналарда ишлаётган, маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкати, кўп қаватли уй ва шунга ўхшаш бошқа аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган турли соҳа вакилларини партия сафига жалб этиш ҳисобида БПТларни кучли бўғинга айлан-

тиришга эришди. БПТларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар ўзларининг ваколатлари доирасида иш кўришда мустақил бўлиб, барча масалалар юзасидан ўз мулоҳазаси ва таклифларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эгадирлар. БПТлар юқори партия органларининг қарорларини ҳаётга таъбиқ қилиш учун ўз аъзоларини сафарбар қилади. Шу билан бирга, ўз аъзолари бўлиши халқ депутатларига амалий ёрдам беришда асосий таянч куч бўлиб хизмат қилади.

Шаҳноза Аҳмедова ҳаётда ўзининг қатъий қарашларига эга. Унинг таъкидлашича, халқимизнинг миллий анъаналарини давом эттириш кўпроқ хотин-қизларга боғлиқ. Шундай экан, "Адолат" СДП фаоллари, аввало, уларнинг соғлиғи ва саломатлигига яқиндан этибор бериши зарур. Яқинда Фарғона вилоятининг барча худудларида малака-тиббий хизматни тақомиллаштириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат сифатини ошириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида фарғоналик тажрибали шифокорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тиббий кўрикда жами 6000 нафардан зиёд ёшлар, аёллар иштирок этди. Бирор касаллик борлиги аниқланган беморларни даволаш чоралари кўрилди. Хотин-қизлар ўртасида олиб борилган кенг миқёсли ишлар уларда "Адолат" СДПга хайрихоҳлик уйғотди. Ҳозирда шаҳар партия кенгаши сафига аъзоларнинг 51 фоизини аёллар ташкил этаётганлиги бу борадаги саяё-



ҳаракатларнинг самарасидир. Шаҳар маҳаллий вакиллик органига партиядан сайланган 7 нафар депутатнинг 4 нафари ҳам фаол аёллардан иборат.

Партиянинг Сайловолди дастурида ёшларга катта ишонч ва умид билан қаралган. Уларни кўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бирига айланган. Шаҳар партия кенгаши долзарб мавзулардаги тарғиб-бот-ташвиқот ишлари билан ёшларнинг орасига чуқур кириб бормоқда. Зарурат туғилганда, мутасадди ташкилотлар, ҳомийлар кўмағида уларга яқиндан ёрдам берилаёпти.

Хива туманидаги тиббиёт коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши, Ўзбекистон "Veteran" жангчи фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси Хоразм вилоят бўлими ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан "Қадр — улғу, хотира — муқоддас" мавзусида тадбир ўтказилди.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

"Эъзоз ва этибор" лойиҳаси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда партия фаоллари ва фахрийлари, Афғон уруши қатнашчилари, коллеж ўқитувчилари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига, кексаларга катта гамхўрлик кўрсатилаётгани, Кексаларни эъзозлаш йилида бу азиз инсонларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир имтиёзлар қўламини янада кенгайганлиги, фахрийларга ижтимоий, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, сифати ортганини қайд этдилар.

Учрашувда жангчи-фахрийлар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришаркан, урушлар қанчадан-қанча хонадонларга оғир мусибатлар келтиришини айтиб, ҳар бир инсон эмин-эркин яшashi, орзу-мақсадларига етиши учун аввало тинчлик кераклиги, юртимиздаги осойишташликнинг бекиёс кадр-қиммати хусусида сўз юритдилар.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби

— Ватан ёрда ёнсин ҳар юрак, — дейди Фарғона шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шаҳноза Аҳмедова. — Шунда юртимиз раванқига ҳисса қўйиш иштиёқи билан тўлган кўнгилда армон қолмайди. Бу ўз қадр-қимматига эга бўлган биз аёллар учун айниқса муҳим. Обод юртимиз, шу азиз Ватан учун хизмат қилиш эса ҳаммамизнинг, ҳар бир партиядошимизнинг шарафли бурчидир.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Азалий қадриятларни асраш

барчамизнинг инсоний бурчимиздир

➤ Давлат дастури асосида

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ер юзидида 2025 йилга келиб 60 ёшдан катта аҳоли сони 1,1 миллиарддан ортиб, ўтган асрга нисбатан 5 баробар кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунда тиббиётда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда инсоният тобора амал қилиб бораётган соғлом турмуш тарзи муҳим омил сифатида хизмат қилади, албатта.

Ўзбекистон ҳам аҳолининг ўртача умр кўриши ёши тобора ортиб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланиб, мазкур тенденция аҳолининг тиббий ва ижтимоий муҳофазасига қаратилган эътиборнинг юқори даражада эканлиги билан ифодаланади.

Бутун юртимизда 2 миллион 800 минг нафар 60 ёшдан, 225 минг нафар 80 ёшдан, 8,7 минг нафар 100 ёшдан ошган нуруний отахон-онахонларимиз кавми-қариндошлари, маҳалла-қўй, давлатимиз гам-хўрлигини ҳис қилган ҳолда умр кечиримокда. Мутахассисларнинг тахминича, республикамизда аҳолининг жисмоний ва руҳий баркамоллигига қаратилган эътибор бугунгидек суръат ва сифатда давом этса, 20 йилдан кейин аҳолининг (20-30 фоизини) 60 ёшдан катталар улуши янада ортади.

Маълумки, Юртбошимиз томонидан 2015 йил — «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан шу номида Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, дастурда фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли равишда соғломлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб қўйилган.



Кексаларнинг таянч ҳаракат тизимини даволаш, уларни ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминлаш ҳам дастурдан алоҳида ўрин олган вазифалардандир. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш, тизимлаштиришда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўлими вазириликнинг ҳузуридаги Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларининг хизмати катта эканлигини таъкидлашдан бўлмайди.

Айтиш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 433-сонли ҳамда 2006 йил 17 майдаги 89-сонли қарорларига мувофиқ ташкил этилган Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда 10 та ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари жами 725 ўринга эга бўлиб, ушбу муассасалар томонидан йилига 17 минг нафардан ортиқ имкониятлари чекланган шахсларга тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Қолаверса, Марказ санаторий-соғломлаштириш муассасалари билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги фахрийларни соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишларни юритиб келади.

Жорий йилда Марказ тизимида «Уруш ва меҳнат фронти фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш ташкиллаштириш бўлими»га асос солиниди ва 21 мингдан ортиқ фахрийлар соғломлаштирилиши кўзда тутилган 37 та санаторий рўйхати шакллантирилди.

Таянч ҳаракат тизими ички аъзолар, асаб тизими, умуртқа поғона касалликлари, жароҳатлар асорати, қўл-оёқдаги чўлтоқликлар, туғма аномалиялар туфайли ишдан чиқарилиши ҳисобга олиб, Марказда ногиронликнинг олдини олиш ҳамда сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бундай тавсиялар касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва уларни даволашга ҳам таътиқ этилиб, бу борадаги ишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишда замонавий тиббий ускуналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Халқаро ҳамкорлик доирасида Япония халқаро ҳам-



корлик агентлиги (JICA) томонидан Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига ажратилган грант қиймати 59 турдаги 308 донга қиймати 4,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар (компьютер-томограф, артроскоп, эндоскоп, электромиограф, гастродифференциал, доплер ва бошқа физиотерапия, даволаш жисмоний бадантарбия машқлари учун тренажёрлар, биокимё лабораторияси ускуналари) ҳисобига имконияти чекланган шахслардаги касалликларни ташхислаш сифати ва қўламли орди, ўтказилган жарроҳлик амалиётлари вақти қисқарди, уларга ижтимоий ва касбий йўналишларда бериладиган тавсияларни асосли равишда бериш имкониятлари кенгайди, — дейди Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Баҳодир Каримов. — Муҳими, бу каби тиббий ускуналар нафақат пойтахтдаги Марказда, балки республикамизнинг чекка ҳудудларидаги муассасаларда ҳам мавжуд. Хусусан, биргина 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоят минтақавий реабилитация марказларига

жами 31 донга 238 минг АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. 2011-2014 йиллар давомида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда Урганч, Самарқанд, Фарғона, Наманган шаҳарларидаги Ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларида бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, Самарқанд, Навоий ва Хоразм реабилитация марказларига 24 донга 333 минг АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги энг замонавий тиббий техникани ажратиб бериладиган шартномалар имзоланди.

Марказда МДХ давлатларида биринчилардан бўлиб, махсус ускуналар ёрдамида даволаш ишлари йўлга қўйилди. Бундай ускуналар орқали ҳаракат функциялари бузилишини даволашда дори-дармонлар-

дан эмас, балки жисмоний машқлар, мануал терапия, ўқалаш ва турли табиий омилларнинг таъсири ҳамда қўшимча реабилитация техник воситаларидан, яъни эрготерапия даволаш усулидан фойдаланилади. Касалликларнинг иккиламчи асоратларининг олдини олишга йўналтирилган ушбу усуллардан иборат кундалиқ фаолият дастурини тузишда ва маҳаллий мутахассисларга бу борадаги қўшимча ривожлантиришда Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг кўнгилли шифокори Кашиваги Минори хонимнинг хизмати катта бўлмоқда.

Айни кунларда давлат дастурининг ижроси доирасида аҳолига, жумладан, ногиронларга қулайлик яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш ва интерактив хизматларни йўлга қўйиш мақсадида «www.Tiklanish.uz» веб-сайти фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, имконияти чекланган ёлғиз кексалар, ногирон юртдошларимизга тиббий-ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатиш Марказнинг асосий мақсадидир.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Андижон туманининг Найман қишлоғида яшовчи Абдумалик ота Ўрозалиев билан бир бор суҳбатлашган одам яна унинг хонадонига ошиқади. Чунки жанг майдонларида матонат кўрсатган, урушдан кейин фидоилик билан меҳнат қилган бу инсоннинг ҳаёт йўли ибратли.

“Юрт меҳри инсонга туганмас куч беради”

— дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдумалик ота Ўрозалиев.

Халоллик, камтарлик ва юртга содиқлик борасида Абдумалик ота ўзига хос ҳаёт мактабини яратган, десак янглишмаймиз. Айниқса, унинг мудом ғайрат-шижоатга тўлиб хайрли амалларни бошлаши, жамоатчилик ишларида фаоллигини маҳалладошлари доим кадрлайди.



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушининг Иккинчи жаҳон урушида кечган оғир хотираларини тинглашнинг ўзи қалбни ларзага солади».

— Уруш деганларини биз кўрдик. Душман билан юзмаюз келиш, ёнгинада турган қуролдош дўстингни бир сонияда йўқотиб қўйиш осон эмас, — дейди Абдумалик ота. — Мана шу қишлоқдан, дала ва кетмондан бошқа нарса кўрмаган эдим. 19 ёшда қўлимга қурол ушлашга тўғри келди. Она юртимиз тинчлигини фашизм балосидан ҳимоя қилиш истаги бизни мардикка йўллади, ортимизда кузатиб қолган ҳамқишлоқлар, онаизорлар, опа-сингилларимизни ўйлаганда янада бундай меҳр ва эътибордан кечкис миннатдор эканлигини билдирди.

Еш «адолатчи»лар томонидан тайёрланган «Ҳамиша ардоқдасиз» деб номланган комиссия Абдумалик отага ёшларнинг кечкис ҳурмати эъзозининг ифодаси бўлди ва барчани хушнуд этди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири

Мунаввар кунлар шукронаси

➤ Қадр

Хотиро, кадрлаш тушунчалари чуқур маънога эга. Биз хонадонларимиз фаизи бўлган нуруний отахонларимиз, мўътабар бувиларимизни беҳад кадрлаймиз, азиз юртимизни ҳимоя қилишда жонини фидо этган қаҳрамонларни хотирлаймиз, уларнинг жасоратлари, фидоиликларидан ҳамиша сабоқ оламиз, бу юксак фазилатларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

Аждодлар руҳини ёд этиш, кексаларга меҳр-оқибат кўрсатиш ҳар бир инсоннинг маънавий бурчи саналади. Бу эзгу фазилатлар 9 май — Хотиро ва қадрлаш куни байрами муносабати билан ўтказилган тадбирларда яқол акс этди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши фаоллари ҳам уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, бу азиз инсонларнинг кўнгилни кўтариш мақсадида хайрли ишлар қилишмоқда.

Гулистон шаҳрининг «Аҳиллик» маҳалласида истиқомат қиладиган Николай Локтев 1961 йилда таваллуд топган. Афғон уруши қатнашчиси Н.Локтев айни пайтда умр йўлдоши Эльмира Локтева билан икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказиб, уларнинг муваффақиятларидан кўнгиллари чоғ бўлиб умргуздорлик қилишмоқда.

Партияимиз фаоллари уларнинг хонадонига бориб, байрам билан табриқлади ва совғалар беришди.

— Уруш фақат элга азоб-уқубат келтиради, қанча кишиларнинг умри завол кетади, тирикларнинг ҳам дилини бир умр жароҳатлайди, — дейди Н.Локтев. — Оила даврасида тинч-ҳаловатда яшаш нақадар бахт! Тинчлигимизга асло кўз тегмасин. «Адолат» партияси вакиллари бизни йўқлаб келиб, эътибор кўрсатишганидан беҳад хурсанд бўлдик.

«Аҳиллик» маҳалласида яшаётган Малика ая Мухаммедова 1929 йилда таваллуд топган. Фронт ортида хизмат қилган 86 ёшли кекса онахон бугунги фаровон ҳаётимиздан бениҳоя мамнун, эл-юртимиз тинчлигидан кўнгли ҳаловатда.

— Тинчлик — улуг нъмат, у туфайли фақат одамларгина эмас, бутун табиат, тирик жон борки, ҳаётдан баҳраманд бўлади, — дейди Малика момо. — Одамларимиз меҳр-оқибатли, бир-бирини суяйдиган эл, бунга ўша оғир уруш йилларида фронт ортидаги аҳоли аҳиллик, сабр ва чидам билан кечакундуз бир-бирини қўллаб-қувватлаб меҳнат қилганларида кўп кўрганмиз. Ҳозир шуларни ўйласам, бугунги обод замонимизга, дориламон кунларга беаҳад шукроналар қиламан.

Малика момонинг сўзларидан уқибат борлигини дилдан ҳис қилдик. Шу мунаввар кунларимизда жинг фашизм балосига қўқисни қалқон қилган, жон фидо этган юртдошларимизнинг мангу хотираси, матонати олдида бош эгамиз.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

➤ Ибрат

Ўзбекистон «Адолат» СДП Пискент туман кенгаши ва Митан маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Хонадонларимиз файзу фаршати — пиру бадавлат кекса онахонлар» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда партия ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлими, Митан маҳалласи фаоллари, намунали оилалар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, нуруний отахону онахонларни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани ёши улуг инсонларга кўрсатилган ана шундай эътибор ва гам-хўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

— Халқимиз пиру бадавлат отахон ва онахонлар истиқомат қилувчи хонадонларни фаришталарга ўй, деб улуғлайди. Ҳаргал кексалар қўлларини дуога

Файзу барака чашмаси



очиб, «Тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик бўлсин!», дея тилак билдираркан, беихтиёр руҳий тетиклик ҳис этамиз, уларнинг борлигига шукрона айтаемиз, — деди Пискент туман партия кенгаши раиси Хадича Зоидова. — Дарҳақиқат, кексаларга иззат-иқром кўрсатилган жойга мудом файзу-барака ёғилиб туради.

— Кексаларнинг ўғитлари ёшларга, айниқса, ёш оилаларга ҳаётда жуда асқотади. Қўлни кўрган кўп билади, де-

гани бежиз эмас, — деди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ирода Облоқулова. — Қайнонаси бор келиннинг оилавий ҳаётни ўрганиши осонроқ бўлади, чунки хонадонда унга тўғри маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатилади.

ликда ибрат бўлиши оилалар тинчлиги, фарзандлар оқил, доно ва комил инсон бўлиб вояга етишида катта ўринга эга, — деди 8 фарзанд, 4 нафар келин, 28 невага, 57 эвара ардоғида ҳаёт кечираётган Ҳафиза ая Абдулхаева. — Чунки она учун фарзанднинг саноқли ва хотиржам ҳаёти ҳар нарсадан муҳим.

Тадбир доирасида «Саранжом-саришта хонадон», «Пиру бадавлат кекса онахон» кўриктанловлари ҳам қизиқарли тарзда ўтказилди. Ибратли қайноналар, намунали оила вакиллари, маҳалла фаоллари ташиқлотчилар томонидан эсдалик совғалари берилди.

Сарвино ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти кенгаши
матбуот котиби

Жамоатчилик назорати — изчил тараққиётнинг муҳим омили

Таҳлил

Халқ ҳокимиятичилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтига конституциявий-ҳуқуқий мақом берилиши юртимизда мазкур назорат турини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Хусусан, 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тўзатишларга кўра, Бош Қоғамимизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий шакллари билан бири сифатида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш белгилаб берилди. Шунингдек, Конституциямизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланиши кўзда тутилди.

Жамоатчилик назорати асосий конституциявий тамойиллардан бири — халқ ҳокимиятичилиги тамойили, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлашнинг муҳим шартидир. Жамоатчилик назорати демократия ва халқ ҳокимиятичилигининг муҳим институти ҳисобланиб, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Жамоатчилик назорати бошқа назорат турларидан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, мазкур назорат тури фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади; иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлайди; учинчидан, ушбу назоратнинг асосий объекти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳисобланади; тўртинчидан, ўзида фуқаролар ва фуқаро-

лик жамияти институтлари манфаатларини уйғунлаштириш, жамоатчилик фикри ва кучига таянади.

Шу мақсадда, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаш, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизmlарини яратиш, жамоатчилик назорати функцияларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизmlари шакллантирилди. Хусусан, жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ва амалга ошириш механизmlари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсул эканлиги белгилаб қўйилиши ушбу муҳим демократик институтнинг амал қилиши ва ривожланиши учун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажарди.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг шакл ва усулларини такомиллаштириш жараёни умумжаҳон илгор тенденцияларига ҳамохан ҳолда узлуксиз ва изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2013 йилда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг муҳим шакллари белгилаб қўйилди, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрни

муостаҳкамланди. "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ, ваколат ва мажбуриятлари, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби, шакллари ва усуллари, унинг натижаларини расмийлаштириш ва рўйбўга чиқариш тартиби аниқ-равшан белгилаб берилди. Шунингдек, жамоатчилик назоратининг янги шакли — экологик назоратнинг жамоатчи инспектори институти қонун даражасида белгилаб берилди. Келгусида ушбу институтлар қонуности ҳужжатларида янада батафсил аниқлаштирилиши зарурияти мавжуд бўлиб, бу уларнинг самарадорлигини янада

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда демократик ислохотлар жараёни ва фуқаролик жамияти шаклланишининг жорий ҳолати жамоатчилик назорати институтини давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро самарали мулоқот сифатидаги самарадорлигини янада ошириш мақсадида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасига оид ҳамда 2015 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларни реализация қилиш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастурини бажаришни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирларга бағишланган фармойишларида "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш бўйича зарур йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, қонунда жамоатчилик назорати турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга ошириш механизmlарини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларининг белгилаб қўйилиши, албатта, жамоатчилик назорати шакллари амалиётга янада самарали татбиқ этиш имкониятини яратди.

«Адолат» СДП таъкидлайдики, демократик давлатнинг катта аҳамиятга молик институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлайдиган, фуқароларнинг қизиқишларини, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаб берадиган муҳим бўғинга айланиб бормоқда.

Партия қонун ҳужжатларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан бажарилиши юзасидан жамоатчилик, фуқаролик институтларининг самарали назорат механизмини яратиш тарафдори.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сайловолди дастуридан

оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2014 йилда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ва "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга, жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилишга, мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишга доир вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини оширишга, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек, бошқа қўшма ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилди.

жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши заруриятини келтириб чиқармоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириши билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда жамоатчилик назорати тўғрисидаги яхлит ва тизимли қонуннинг қисқа фурсатлар ичида қабул қилиниши жамоатчилик назоратининг мавжуд шакллари янада такомиллаштириш ва янги замонавий шакллари миллий амалиётга жорий этишга, уларни янада ривожлантиришга, бу борадаги камчиликларни ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга юзага келадиган ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқлашга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини оширишга, энг муҳими, бевосита фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш механизмининг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаклланаётган жамоатчилик назорати амалиёти тараққиётнинг "Ўзбек модели" хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига таянишни ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, хорижий давлатлар амалиёти жамоатчилик назоратининг жамоатчилик эшитиш, ижтимоий аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, жамоатчилик олдида ҳисобдорлик каби турли шакллари ҳам амалда кенг қўлланиб келинаётганини кўрсатмоқда.

Шероз ХАБИЛЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Сўранг, жавоб берамиз!
— Яқинда вилоятимиздаги академик лицейни тамомайман. Болалигимданок адвокат бўлишни орзу қилиб келаман. Шу сабабли, университетга ҳужжатларимни топширмоқчиман.
Айтинг-чи, адвокат бўлиш учун нималар қилишим керак?
Баҳром Ўринбоев, Наманган шаҳри

— Юридик мутахассислик бўйича 2 йиллик иш стажига эга, 6 ой адвокатлик тузилмасида стажировка ўтаган, тегишли ҳудудий Адвокатлар палатаси ҳузуридаги малака комиссиясига имтиҳон топширган, унинг якунларига кўра ҳудудий адлия органларидан адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган, адвокатлик қасамдини қабул қилган ҳамда адвокатлик гувоҳномасини олган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари адвокатлик фаолияти билан шугулланиши мумкин.

Бир пайтнинг ўзида мен ҳам адвокатлик, ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишим мумкинми?
Насим Холиқов, Наманган тумани

— Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни 3-моддасида адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги ҳар қандай фаолият билан шугулланишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Шундай экан, сиз адвокат бўлсангиз, тадбиркорлик фаолиятингизни тўхтатишингиз лозим.

Мен 2005-2013 йилларда адвокатлик фаолияти билан шугулланганман. 2013 йил июнь ойида Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси қарорига асосан адвокатлик касб этика қоидаларига риоя этмаганим сабабли адвокатлик лицензиям тугатилган. Эндиликда яна адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун талабгор сифатида Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига мурожаат қилишим мумкинми?
Сардорбек Турсунов, Мингбулоқ тумани

— Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни 16-моддасида лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахс учун йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган.

Саволларга Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими **Нурбек ҲАМИДОВ** жавоб берди.

Давлат нотариал идоралари ундирилган давлат бошқариш юзасидан қайси идораларга ахборот тақдим этади? Шу хусусида маълумот берсангиз?
Мухсин Баратов, Тўрақўрғон тумани

— Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни 10-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари давлат божи тушумларининг ҳисобини юритиши ва улар юзасидан тегишли давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этиши белгилаб қўйилган.

Саволга Наманган шаҳар 7-сон ДНИ нотариуси **Оқилжон ҲОТАМБАЕВ** жавоб берди.

«SHAD SAYDO ZAMIN» МЧЖда ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

«SHAD SAYDO ZAMIN» МЧЖ тизимида 2015 йил 22 апрелдан 2015 йил 13 майга қадар 80-сондан 103-сонгача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ташкилланган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларида жами 132 710 000 сўмлик, 24 та кўчмас мулк объектлари сотилди.

«SHAD SAYDO ZAMIN» МЧЖда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорига асосан бўлиб ўтган танлов савдолари натижалари тўғрисида маълумот:
1. 2015 йил 04 майда бўлиб ўтган танловда Бухоро шаҳар Шайхон кўчаси ёқасидан савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва турар-жой биноси қурилиши учун мўлжалланган ҳар бири 380,0 кв.мдан иборат бошланғич қиймати 235 463 сўмлик 1-сонли ер участкаси 10 000 000 сўмга, 2-сон ер участкаси — 10 000 000 сўмга, 3-сонли ер участкаси 9 500 000 сўмга, 4-сонли ер участкаси 6 000 000 сўмга, 5-сонли ер участкаси 6 500 000 сўмга, шаҳарнинг Моҳи хоса кўчаси ёқасидан ҳўнармандчилик мажмуаси ва уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400 кв.мдан иборат 5-сонли ер участкаси 4 100 000 сўмга сотилди.

Хизматлар лицензияланган

Ишлаб чиқариш янада такомиллашади

Матбуот анжумани

Мустиқиллик йилларида озиқ-овқат саноатининг ривожланишини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1991-2000 йилларга тўғри келиб, унда тармоқда туб ислохотларни амалга ошириш ва миллий озиқ-овқат саноатини шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилган бўлса, иккинчи босқич, яъни 2001 йилдан то ҳозирги давргача ишлаб чиқаришни фаол янгилаш, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини жаҳон стандартлари талаблари асосида техник ва технологик жиҳозлашни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан ўтказилган "Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини такомиллаштириш — озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим омили" мавзусидаги матбуот анжуманида ана шундай фикр билдирилди.

Мустиқиллигини таъминлаш, аҳолининг истеъмол эҳтиёжини қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигига амал қилиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, ижро этиб келинмоқда. Натижада озиқ-овқат саноати республика саноатидаги асосий тармоқлардан бирига айланди, хусусан, машинасозлик, энергетика соҳалари билан биргаликда махсулот ишлаб чиқариш бўйича пешқадамликни қўлга киритди ва саноатдаги улуши 16,2 фоизни ташкил қилмоқда.



— Уюшма бўйича жорий йилнинг 1-чорага 991,1 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлиб,

Анжуманда уюшмага аъзо корхоналар томонидан рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, фуқароларнинг истеъмол маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА, "Adolat" муҳбири

«101» огоҳлантиради Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг

Айнан мана шу офат сабабли дунё бўйича қанчадан-қанча инсонлар саломатлигини йўқотади, бошпанасиз қолади, ҳатто ҳалок бўлади.

Шундай қутилмаган, нохуш ҳалокатларга йўл қўймайлик учун корхона, ташкилот биноларида, шунингдек, аҳоли яшаш уйларида, болалар боғчалари ва мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишининг самарали ва таъсирчан усулларда тарғиб қилиш биз, соҳа ходимларининг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Бундай учрашув, суҳбатларда аҳолига ёниб турган электр асбоблари ёки газ плитасини қаровсиз қолдириш, уларни бошқаришни болаларга ишониб топшириш, уларнинг ертўла ва чордоқларида тез аланга олувчи моддалар — бензин, керосин ва бошқа шу турдаги ёқилғи махсулотларини сақлаш мумкин эмаслиги, улардан фойдаланиш мумкин жойларда эса очик оловдан фойдаланиш, шам ёқиш қичи гугурт

чакши қатъиян ман этилиши батафсил тушунтирилади.
Олиб боришдан тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 2015 йилда туманда юзага келган ёнғин ҳодисаларининг кўлами ва сони қисқарди. Хусусан, 2014 йил 4 ой мобайнида 32 та ёнғин содир бўлиб, 1 нафар инсон ҳалок бўлган, 2 нафар инсон тан жароҳати олган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар юзага келган 27 та ёнғин ҳодисасида тан жароҳати олганлар учрамади.
Ёнғинни келтириб чиқиш омиллари ҳар жойда мавжудлигини, ҳеч қандай бундай қулфатдан кафолатланмаганлигини ҳисобга олиб, фуқароларимизнинг ҳушёрлиги, серғаклигини янада оширишга ҳисса қўшиш нафақат ёнғин хавфсизлиги тизими мутахассисларининг, балки барчамизнинг зиммамиздаги вазифа эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Абдулазиз ТОЖИБОЕВ,
Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ инспектори

ТАРИХНИ акс эттирувчи кўзгу

➤ 18 май — Халқаро музейлар кuni

Аждодлардан бебаҳо меросни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий маскан — музейлар йиллар давомида бойиб боради. Маълумки, 1977 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 18 май — Халқаро музейлар кuni сифатида байрам қилиниши белгиланган. Бу эса музейларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва халқларнинг ўзлигини англаш, ёш авлод тарбияси борасидаги аҳамияти беқиёс эканлиги эътирофидир.



Ўзбекистон тарихи давлат музейи қадимги даврдан то шу кунгача бўлган даврни яхлит акс эттиради. Шу боис ўқувчилар, талабалар, турли ёшдаги юртдошларимиз, сайёҳлар билан доимо гавжум. Бу ерда Ватанимизнинг шонли ўтмиши, миллий давлатчилик тарихимизнинг тараққиёт босқичлари, илм-фан, маданият ва санъат, хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида ҳолис ва ҳаққоний маълумот олиш имкони мавжуд. Экспонатларни кўздан кечира туриб, қалбингизда жонжон Ватанимизга, бунёдкор, танти ва саховатли халқимизга бўлган меҳр янада ортади.

томошабинни бефарқ қолдирмайди. Этнографияга оид ёдгорликларни катта маданий-тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган ўй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак ва хунармандчиликка доир буюмлар ташкил этади.

Музейнинг мустақиллик даврига бағишланган қисми ғоят рақиб босқичлари, илм-фан, маданият ва санъат, хунармандчиликнинг ривожланиши ҳақида ҳолис ва ҳаққоний маълумот олиш имкони мавжуд. Экспонатларни кўздан кечира туриб, қалбингизда жонжон Ватанимизга, бунёдкор, танти ва саховатли халқимизга бўлган меҳр янада ортади.

— Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб, баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, — дейди музей директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. — Бу йўналишдаги эзгу сай-ҳаракатларда тарихимизни мукамал ўрганиш, жонли илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуг мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, бебаҳо илмий-маънавий хазинасидан навиқрон авлод тарбиясида кенг фойдаланиш мумкин аҳамият касб этади.

Хозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейи энг йирик илмий-маърифий марказ ҳисобланади, унинг захирасида 300 мингга яқин бебаҳо осори-атиқалар, жумладан, археологик (72 минг), этнографик (18 минг), нумизматик (100 минг), қадимги буюмлар (17 минг), бадиий асарлар (1300), фотосуратлар ва ҳужжатлар (70 минг) ва бошқа тарихий ашё, манбалар жамланган. Музей фондларида тарихий аҳамиятга эга бўлган қўллаб-қўлланма ашёлар сақланади. Масалан, Селунгур (мил. ав. 1,5 млн. йил), Тешиктош ва Обираҳмат горларидан топилган қадимги одам суюғи қолдиқлари; Фарғона водийсидан топилган икки бошли илон шаклидаги тош тумор (мил. ав. II минг йиллик); Фаёзтепадан топилган (Сурхондарё вилояти) Будда ибодатхонаси ёдгорликлари, роҳиблари билан тасвирланган Будда ҳайкали, Фаёзтепа ибодатхонаси деворий суратлари (I-II асрлар); Бухорхудоқларнинг Варахша саройининг деворий суратлари (VII аср); Обурдон қишлоғидан келтирилган X асрга оид нақшичор ўйма устун каби жаҳонга машҳур осори-атиқалар музей экспозициясидан муносиб ўрин эгаллаган.

Нумизматика фонди коллекцияларида миллоддан аввалги V асрдан миллодий XIX асргача зарб қилинган ноёб тангалар сақланади. Улар орасида Юнон-Бақтрия, Кушон, Хоразм, Сўғд ва Чочда зарб қилинган тангалар алоҳида диққатга сазовор. Экспозицияда намойиш этилган ўрта асрларда ҳужумчилик қилган тохарийлар, сомонийлар, қоракхонийлар, теурийлар, Бухоро, Хива ва Кўхон хонликларига мансуб сулолалар томонидан зарб қилинган тангалар ҳам

Саноатнинг етакчи тармоқлари ривожланиши ҳақидаги кўп сонли экспонатлар орасида Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари маҳсулотлари намуналари, қимматбаҳо тошлардан ишланган ноёб буюмлар, Кўкдўмақ нефть заводи, янги автомобиллар, замонавий самолёт моделлари, "Фотон" заводи маҳсулотлари жой олган. Шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика саноатининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти ёритилган. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар мамлакатнинг галла мустақиллигини қўлга киритиши ҳақида ҳужжатлар, фотосуратлар, қишлоқ ҳўжалиги экинлари намуналари, бошқа экспонатлар мажмуи орқали намойиш этилган. Ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тармоқларида оид экспозиция муваффақиятлардан далолат беради. Кўрғазмада илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида эришилган ютуқлар ҳам кенг ўрин олган.

Тадқиқот ишлари музей фондларида жамланган ашёларни, архив ҳужжатларини илмий тадқиқ этиш, экспозиция ва кўрғазмалар яратиш, экскурсиялар ўтказиш асосида ва билвосита музейнинг асосий фаолияти ва илмий тадқиқот йўналишидан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда.

"Ўзбекистон тарихи давлат музейи коллекциялари асосида "Тарихий ва маданий ёдгорликлар" электрон базасини яратиш" лойиҳа доирасидаги амалий тадқиқот натижасида музейнинг архиви, қадимги буюмлар, бадиий асарлар, қурол-аслаҳа фондларидаги ашёларнинг (жами 47852 та) электрон маълумотлар базаси яратилди.

"Ўзбекистонда музейшунослик асослари" дарслик ва ўқув қўлланмасини нашрга тайёрлаш ва chop этиш" инновацион лойиҳа бўйича музейлар фаолиятини

бўйича музейда ташкил этилган махсус ўқув курслари ҳам жалб этилиши билан бирга, хорижий давлатларга малака ошириш учун ҳам юборилмоқда.

2013 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон тарихи давлат музейи Токио университети музейи билан "Ўзбекистон ҳудудида тош даври ёдгорликларини ўрганиш ва тадқиқ этиш" бўйича 5 йиллик келишув имзолади ва тадқиқот ишлари Қашқадарё вилоятининг Яққабоб, Чирокчи туманлари ва Навоий вилоятининг Нурота тумани ҳудудидаги ўрта тош даври ёдгорликларини ўрганишдан бошланди. 2014 йилда қазилган Ангалар горида илмий-устуворий қўлланмалар тайёрланди. "Теурийлар сулоласининг тангалари", "Ўзбекистоннинг XVIII-XX асрлардаги металл ва сопол буюмлари каталоги", "Ўзбек миллий кийимлари", "Фарғонада миллий оозодлик курашлари", "Ўзбеклар: маънавий ва маданий ҳаёти", "Тошкент шаҳрининг янги қисми тарихи (XIX аср иккинчи ярми — XX аср боши)", "Жаҳон этнологияси асослари", "XIX-XX асрларда Ўзбекистон дўпчилари", "Амир Темур ва теурийлар давлати молиявий сиёсати ва пул муносабати", "Кўхна олам сирлари", "Ўзбекистон бағрикенг дийёр" номли китоблар ўзбек ва рус тилларида ўқувчиларга тақдим қилинди. Корея Миллий музейида намойиш этилган Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатлари асосида очилган кўрғазманинг "Цивилизациялар чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" номи каталоги (The Crossroads of civilization: Ancient Culture of Uzbekistan), "Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар" республика илмий-анжуман материаллари нашр қилинди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходимлари мустақиллик йилларида ташкил этилган ва қайта тақомиллаштирилган музейларнинг илмий концепциясини ва экспозицияларини яратишда, уларни экспонатлар билан таъминлашда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича музейда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёш илмий ходимлар ва хазинабонлар музей иши, реставрация, консервация, археология ва бошқа йўналишлар

ўрганиш, ашёларни сақлаш ва консервация қилиш, экспозиция ва кўрғазмалар ташкил қилиш, экскурсиялар олиб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида кечирамиз. Ушбу ҳужжатда бугунги ҳақда ва экспертизаси", "Замонавий жаҳон музейшунослиги" ўқув қўлланмалари нашр этилди.

Музейнинг нумизматика фондидаги Турон тангалари ҳам тадқиқ этилиб, бу ишларнинг "Турон тангалари III-VIII аср" монографиясидан жой олди.

Музей илмий ходимлари томонидан бир қатор илмий асарлар, илмий ва оммабоп ишлар, шу жумладан: монографиялар, мақолалар ўқувлари, илмий каталог, альбом, буклет ва кўрсаткичлар ҳамда илмий-устуворий қўлланмалар тайёрланди. "Теурийлар сулоласининг тангалари", "Ўзбекистоннинг XVIII-XX асрлардаги металл ва сопол буюмлари каталоги", "Ўзбек миллий кийимлари", "Фарғонада миллий оозодлик курашлари", "Ўзбеклар: маънавий ва маданий ҳаёти", "Тошкент шаҳрининг янги қисми тарихи (XIX аср иккинчи ярми — XX аср боши)", "Жаҳон этнологияси асослари", "XIX-XX асрларда Ўзбекистон дўпчилари", "Амир Темур ва теурийлар давлати молиявий сиёсати ва пул муносабати", "Кўхна олам сирлари", "Ўзбекистон бағрикенг дийёр" номли китоблар ўзбек ва рус тилларида ўқувчиларга тақдим қилинди. Корея Миллий музейида намойиш этилган Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатлари асосида очилган кўрғазманинг "Цивилизациялар чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" номи каталоги (The Crossroads of civilization: Ancient Culture of Uzbekistan), "Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар" республика илмий-анжуман материаллари нашр қилинди.

Музей экспозициясидан ўқув, таълим-тарбия, илмий, маърифий ва тарғибот-ташвиқот мақсадидаги бир қатор вазиралик ва идоралар томонидан фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликлари, илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маънавий тарихий маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, "Хунарманда" уюшмаси ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат

музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларига музейни бепул томоша қилиш имкони яратилган бўлиб, шу кунлари "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича очиқ дарслар, давра суҳбатлари ва мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқда.


— Музейимиз қошидаги "Мўъжизалар оламида" болалар музейи 2011 йилнинг август ойида бундан фойдаланиб бормоқда, — дейди музей директори Жаннат Исмоилова. — 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун мўъжизаларнинг мўъжиза болаларнинг тасаввурларини бойитиш ҳамда ижодий қобилиятини шакллантиришга кўмаклашади. Масалан, инсониятнинг дастлабки манзиллоҳлари ва яшаш шароитларининг қўрилишини очиб берувчи сунъий гор болаларда ўзгача тасаввур уйғотиб, аниқ тушуна бера олади. Ушбу музейда хозирги вақтда "Ёзма ёдгорликлар тарихи", "Ёзув тарихи", "Ўзбекистон неъматлари" ва "Археология" бўлимлари мавжуд. Шу билан бирга, бу ерда "Кўғирчоқ театри", "Тасвирий санъат", "Қашқаччилик", "Ёш кулол" бўлимлари ҳам иш олиб боради. Эътиборлиси, болалар музейи кирганда нафақат томоша қилиши, балки турли машғулотларини бажариши, қизиққан нарсаси-буюмларини ўз қўли билан ушлаши ёки ясаши мумкин. Маҳорат дарслари, кўрғазмалар, беллашувлар ҳам мунтазам ўтказиб келинади.

Дарвоқе, Халқаро музейлар кuni муносабати билан ўтказиладиган «Очиқ эшиклар» кuni тадбирларида барча музейлар аҳолига бепул хизмат кўрсатади. Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Теурийлар тарихи давлат музейи ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида «Музей оқшоми» уюштирилади. Ўзбекистон тарихи давлат музейида бу тадбир 18 май кuni соат 16 дан 21 гача давом этади. Унда маънавий-маърифий дастур, тарихий қаҳрамонлар билан жонли мулоқот (образлар орқали), турли кўрғазмалар ҳам намойиш қилинади. Хунармандлар, рассомлар, ёзувчи-шоирлар, тарихчи олимлар, маданият ва санъат мамояндлари билан давра суҳбатлари бўлиб ўтади. Рассомчилик, ҳайкалтарошлик, миллий либослар ва кулолчилик йўналишида маҳорат дарслари ҳам ташкил этилади.

Суюндик МАМИРОВ «Adolat» муҳбири

Безарар... портлаш

"Боинг" компанияси портлаш тўлқинидан ҳимоя қила оладиган куч майдони яратилганлигини ҳамда мазкур инновацион технология учун патент ҳам олинганлигини маълум қилмоқда.



Мухандисларнинг сўзларига кўра, янги тизим махсус датчиклар ёрдамида портлашни аниқлашга асосланган. Шундан сўнг портлашнинг йўналиши ва қанча муддатдан сўнг тўлқин ҳимоядаги объектга келиб урилиши аниқланади. Датчикдан сигнал олган камалаксимон генератор портлаш тўлқини йўналишини лозим сонияда плазма майдони билан тўсали. Яъни лазер ва электр ускуналари ёрдамида ионлашган ҳаво плазмага айлантирилади.

Тадқиқотчилар ўз таркиби, ҳарорати ва зичлиги билан атроф-муҳитдан ажралиб турадиган алоҳида ҳудуд тўлқин зарбасини қайтариб, унинг йўналишини ўзгартириб юборишини таъкидлашмоқда. Демак, энди исталган бино, самолёт, автомобиль ёки бошқа объектнинг портлаш зарбидан бемалол ҳимоя қилиш имконияти туғилади.

Тўғри, ҳозирча бу технология "ноу-хау" сифатида тилга олинмоқда, унинг айрим жиҳатлари ошкор этилмапти. Шунга қарамастан журналистлар янги тизимни "Дунёлар уруши" фильмидаги ҳимоя майдони билан тенглаштиришмоқда.

42 миллион тонна электрон чиқинди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари олиб борган тадқиқотларга кўра, ҳар йили ер юзиде 2 миллион тоннага яқин электрон чиқинди пайдо бўлади. Афсуски, бу чиқиндининг фақат олтиндан бир қисми қайта ишланади, холос.



Умумий нархи 50 миллиард доллардан ошадиган чиқинди тоғлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2018 йилга келиб электрон чиқинди миқдори 50 миллион тоннага яқинлашиб қолади.

2014 йил охирида сайёрамизда йиғилган электрон чиқиндилар вази 41,8 миллион тоннани ташкил этди. БМТ маърузасида маънавий хизмат буюмларининг бор-йўғи 16 фоизни қайта ишлашга юборилаётганини инсоният олдига турган катта муаммо сифатида қайд этиб ўтилган. Ваҳоланки, бугунги кунда тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётган чиқиндилар таркибида катта миқдорда олтин, қумуш ва мис бор. Бундан ташқари, ташлаб юборилган ускуналарда тахминан 4,5 минг тонна озон қатламга салбий таъсир кўрсатувчи ўта ҳавфли кимёвий моддалар ёки 2,2 миллион тонна кўрғошнини ойнаси мавжуд.

Заминимизни электрон чиқиндилар билан энг кўп ифлослантираётган мамлакатлар орасида АҚШ ва Хитой биринчилигини эгаллаб турибди. Жумладан, 2014 йилнинг ўзида АҚШдан 7,1 миллион тонналик, Хитойда эса 6 миллион тонналик электрон ускуналар чиқиндига иргитилган. Рўйхатнинг кейинги қаторларини Япония, Германия ва Хиндистон эгаллаб турибди.


Аҳоли жон бошига энг кўп чиқинди ташланган мамлакатлар рейтингида эса Норвегия пешқадамлик қилмоқда. Мамлакатда ҳар бир фуқарога ўртача 28 килограмм йиллик электрон чиқинди тўғри келади. Бу рўйхатдаги кейинги ўринларда Швейцария, Индондия ва Дания туради.

Мутахассислар бундай чиқиндилар миқдори кўпайиб бораётганини электрон ускуналар ишлаб чиқариш соҳасининг жadal ривожланиётгани, истеъмолчилар ўз телефон ва смартфонларини тез-тез алмаштираётгани, эскиларини эса ташлаб юбораётгани билан боғлашмоқда.

Бироқ, ҳамма айбони мобил алоқа воситаларига ағдариб бўлмайди, албатта. Тадқиқотчилар электрон чиқиндиларнинг 60 фоизини маънавий техника қўрилмалари ташкил этишини аниқлашди: 18,8 миллион тонна холодийлик, кир юстиш машиналари; 12,8 миллион тонна микротўқинли печлар, тостерлар электрон чиқиндиларнинг янги-янги тоғларини бунёд этаётгани ҳам юқоридаги фикрларнинг яққол тасдиғидир.

Хайр, FM

Норвегия маданият вазирилик мамлакат бутунлай рақамли радио тизимига ўтишни маълум қилган. FM-тармоқлар эса 2017 йилга қадар ўз фаолиятини тўхтатади.



Шундай қилиб, Норвегия FM диапазонда ишладан расман воз кечган биринчи давлат бўлиб қолади.

— Вазирликнинг қарори тингловчиларимиз учун юқори сифатли ва ранг-баранг эшиттиришлар тайёрлашга хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди NRK корпорацияси раҳбари Тор Эриксен.

Эслатиб ўтамиз, Норвегияда босқичма-босқич рақамли узатиш тармоғига ўтиш 1995 йилдан бошланган. Натижада 2015 йил баҳорига келиб мамлакатдаги 22 та миллий радиостанция тўлиқ бу тизимга ўтди, фақат бешта станциягина ҳамон FM тўлқинларида фаолият юритмоқда.

Рақамли радиостанциялар товушининг тўсиқларга учрамасдан, тоза этиб боришини таъминлаши билан бир қаторда FM тизимига нисбатан саккиз баробар арзонга тушиши билан ҳам ажралиб туради.

Европа ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ҳам рақамли радиостанцияларга ўтиш масаласи кун тартибига қўйилган. Аммо ҳозирча Норвегиядан бошқа бирон давлат режани амалга оширишнинг аниқ муддатини кўрсатмаган.

Интернет хабарлари асосида 2-Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси Жамшид МУҲАМЕДЖАНОВ тайёрлади.

Салом, мамонт!

Олимлар кўп замонлар бурун қирилиб кетган ҳайвонларни, жумладан, мамонтларни тириктириш борасида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Маълумки, Майкл Крайтоннинг "Юра даври парк" деб номланган фантастик асари асосида Голливудда суратта олинган шу номи фильмида фан ёрдамида ҳаётга қайтган баҳайбат динозаврларнинг одамларга ҳужум қилиши кўрсатилган. Британиянинг The Independent газетасида ёзилишича, амалда вазиет бу даражада бориб етмайди, албатта. Мисол учун, аввалги XVIII асрда йўқ қилинган денгиз сигири, ўттан асрда энг сўнгги вакили овчилар томонидан отиб ташланган тасман йўлбарси каби ҳайвонлар ДНК асосида ҳаётга қайтарилади.

Тўғри, кўпчиликни айнан мамонт масаласи қизиқтиради. Эслатиб ўтамиз, мамонтларнинг сўнгги митти шаклдаги кўриниши вакиллари сайёрамизда 4,5 минг

йил бурун қирилиб кетган. Бироқ, бундай жундор мамонтларнинг тўқималари абадий музликларда етарлича топилади, шу сабабли ДНК ажратиб олиш учун биологик материал топиш масаласида муаммо бўлмайди.

Бугунги кунда 16 йил бурун музлаб қолган майда ҳайвонларнинг клонлари яратилиши бўйича тажрибалар муваффақиятли ўтказилган. Аммо мамонт тўқималарининг музлаган ҳолда узоқ йиллар сақланганлиги ишнинг мураккаблаштириши мумкин.

Шунингдек, олимлар мамонт ва Осиё филининг ҳужайраларини қоғиштириш бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда. Гарвард тиббиёт мактабининг профессори Жорж Черчининг фикрига кўра, бундай янги кўринишдаги ҳайвонларнинг шимолда яшаб қолиш имконияти янада ошадди.

— Биз тез орада қирилиб кетган аждодларини так-



рорлайдиган организмларни яратилишига шубҳа йўқ, — дейди Канададаги Макмастер университети доктори Хендрикс Пойнар.

Кўлаб ҳамкасблари каби Пойнар ҳам клонланган мамонтларни Сибир ва Канада тундросида сақлаш тарафлори.

Qishloq Qurilish Bank

БАНК МАДАДИ — фаровон келажак кафолати

Молия муассасаларида

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банки мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни амалга ошириш, қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшаётган молия муассасалардан биридир.

Республика молия бозорида мустаҳкам ўринга эга банклардан бири ҳисобланган “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ барча йўналишдаги банк хизматларини жорий этиш жараёнида мижозларнинг ишончини қозонишни ўзининг устувор мақсади этиб белгиланган. Бу борадаги интилишлар бесама қетмаётганини банк мижозлари эътирофидан ҳам билсак бўлади.

Иброҳимжон ЖАКБАРОВ, «G'AYRAT TIV SPORT SERVIS» МЧЖ раҳбари (Андижон):

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикаимизда кенг қўламли бизнес муҳити яратиб берилган. Айниқса, ёш тадбиркорларнинг бизнесларини ривожлантириш йўлида банк ва кредит ташкилотларининг ўрни бекиёс. Қачонлардир ўз бизнесига эга бўлиш истагида юрган тенгдошларимнинг кўпчилиги ҳозир катта тадбиркор.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидамоқ яратилган кулай ишбилармонлик муҳити натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз янги ички маҳсулоти таркибига ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисmini қамраб олган соҳага айланди.

Мен ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда туман аҳолининг саломатлигини сақлашга ўз ҳиссамни қўшиш ниятида «G'AYRAT TIV SPORT SERVIS» масъулияти чекланган жамиятини ташкиллаштирдим. Бу жамиятни ташкил этишда менга “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Қўрғонтепа филиали катта ёрдам берди. 2014 йилда жамиятимиз томонидан ҳудудимиздаги аёллар, болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланиш

сифатини, уларнинг турлари ва сонини ошириш мақсадида янги бизнес-режа тайёрлаб, филиалга ариза билан мурожаат қилдим. Банк ходимлари бизнес-режамни батафсил ўрганиб чиқиб, тез кунларда жамиятимизга 100,0 миллион сўмлик кредит ажратиб беришди. Кредитни жамиятга тегишли бўлган спорт залини қайта таъмирлаш ва спорт тренажёрларини олиб келиш учун йўналтирдик.

Спорт комплексимизда ҳозирги кунда асосан болалар ва ўсмирлар спорт билан шуғулланиб келишмоқда. Шу билан бир қаторда, соғлом фарзандни дунёга келтириб, келажак авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбияловчи аёлларимиз ҳам спорт комплексимизда фаол иштирок этишмоқда.

Ҳозирда жамиятимизда жамаи 6 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 4 нафари янги яратилган иш ўринлари ҳисобига ишга қабул қилинган. Янги ходимлар махсус курсларда ўқитилди ва бугунги кунга келиб навбатма-навбат, яъни, эрталаб аёллар, тушдан сўнг болалар ва кеч соат 18 дан кейин ўсмирлар спорт заллида шуғулланиб келмоқдалар.

Аёллар, болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш, келажак авлодимизни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшаётганимиздан мамнунимиз.



Самарқанд шаҳридаги “Амин пластик транс” масъулияти чекланган жамиятида ўндан ортиқ турдаги болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Самарқанд вилоят филиалидан олинган кредит маблағи эвазига замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада қирққа яқин ёшлар доимий иш билан банд. Бу ерда ҳар куни 800 килограмма яқин полиэтилен хомашийи қайта ишланмоқда. Жорий йилдан болажонлар учун турли ўқув қуроллари, ҳарфлар шаклидаги ўйинчоқлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: корхона ишчиси Ситора Ахтамова.

Яқубжон АТАБАЕВ, хусусий тадбиркор (Наманган):

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кенгайтирилишига бугунги кунда аҳолининг турмуш даражаси ошишининг кўзгуси сифатида қараш лозим, сабаби истеъмол ва ҳарид даражасининг ошганлиги фуқароларнинг реал даромадлари ва турмуш даражаси кўтарилишидан дарак беради. Хусусий тадбиркор сифатида 2011 йилдан буюн фаолият юритиб келмоқдаман. “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Учқўрғон филиали 4 йилдан бери бизга хизмат кўрсатади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналиши буйича

хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Бугун аҳолининг яшаш тарзи, фикрлаши, дунёқараши ўзгарган. Шу босис уларга сифатли ҳамда рақобатбардош хизмат кўрсатишга эришиш даркор. Бунинг учун “Гўзаллик саломи” мизни замон талабларига мос равишда махсус жиҳозлар билан доимо янгилаб бораемиз, ишчиларимизнинг малакасини оширишга ҳаракат қиламиз. Бироқ, бу каби чора-тадбирларни молиявий асоссиз бажариб бўлмайди.

Шу сабабдан, биз “Қишлоқ қурилиш банк” Учқўрғон филиалининг мадади билан тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантириб келмоқдамиз. Жорий йилда ҳам банкдан

37,0 миллион сўм кредит олдик. Кредит маблағларини янги сартарошлик жиҳозлари ҳамда сартарошхона биносини таъмирлаб, замонавий алюмин эшик ва ромлар сойтиб олиш мақсадида сарфладик. Ҳозирда “Гўзаллик саломи” миз бир кунда 40-50 нафар мижозга хизмат кўрсатади.

Салонда 4 нафар ходим ишлар эди. Кредит олиб фаолиятимизни кенгайтирганимиздан сўнг яна 2 та янги иш ўрни яратдик ва ушбу иш ўринларига коллеж битирувчиларини қабул қилдик. Биз халқимизга озгина бўлса ҳам фойдамиз тегаётганидан мамнунимиз ҳамда бу шароити ишда бизга кулай имкониятлар ярати бераётган

ҳамкорларимиздан миннатдормиз.

Ўқтамбой АТАЖАНОВ, «Келажак иншооти» МЧЖ раҳбари (Қорақалғистон Республикаси):

— Ортбошимиз таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати ва таянчи, юртимизни тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирадиган кучдир. Инсон манфаатлари, халқ бахт-саодати ва фаровон ҳаётни таъминлаш Президентимиз ва давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда барча соҳалар кенг қўламли ривожланишига хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш эса банклар зиммасига юклатилган.

Бу борада “Қишлоқ қурилиш банк” ҳам тадбиркорлар учун кенг шарт-шароитлар ярати бераётган.

Менга ҳам тадбиркорлик фаолиятини бошлашда “Қишлоқ қурилиш банк” Беруний филиали кўмаги асқотди.

Мен ёшлигимдан қурилиш соҳасини пухта ўрганиб, аввалдан ўз мақсадимни аниқ белгилаб олганман. Тадбиркор бўлиш энг катта орзум эди. Бу мақсадимни амалга ошириш учун ўз соҳам орқали ишни пухта амалга оширишни ният қилдим. 2009 йилда «Келажак иншооти» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим. Бунда менга “Қишлоқ қурилиш банк” Беруний филиали томонидан олинган 100,0 миллион сўмлик кредит ҳамда 2014 йилда олинган 175,0 миллион сўмлик лизинг маблағлари катта ёрдам берди. Ушбу маблағлар аффа

дераза ва эшикларни, МДФ эшик ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун олинган бўлиб, жамиятимиз томонидан қурилишда керакли бўладиган ускуналар ва техникаларни ҳамда маҳсулотларни сотиб олиш учун сарфладик.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кўлаб корхоналарнинг ривожланиши тижорат банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар асосида амалга оширилмоқда. Ўз вақтида мен ҳам банк билан ҳамкорлик ўрнатганим ва шу пайтгача бир эмас, бир неча мартаба кредитдан самарали фойдаланганим сабабли бугун йирик тадбиркорга айландим, десам янглишмаган бўламан.

Ҳозирда Ўзбекистон банклари орасида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ барқарор ишлаётган молия институтларида бири эканини хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар. Ушбу банкка нисбатан бўлган ишонч ортаётганини мижозлари сони кун сайин кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Халқимиз фаровонлигини янада ошириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда банк деярли барча турдаги кредитларни ажратиб келин йўлга қўйган.

Ўз навбатида, кичик бизнес субъектлари учун ажратилаётган кредитларнинг аҳоли ўртасида оммалашуви маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз ишини янада ривожлантиришга омил бўлмоқда.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Ориф ЎЛМАСОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА: хатолардан холи бўлса...

Мулоҳаза

Пойтахтимиздаги Олой бозорининг шундоққина рўпарасида жойлашган бекат доим йўловчилар билан гавжум. Ўша бекатдан ҳамаси ўн қадм нарида кад ростлаган дўкон тепасига катта ҳажмли реклама баннери ўрнатилган. Унда қаҳва номи ва идиши акс этган бўлиб, айнан мана шу тасвирнинг бир ёнига ўзбек тилида “Lazzatning yangi qiyofasi”, иккинчи ёнига эса рус тилида “Новый образ удовольствия” деб ёзиб қўйилди. Ҳар кун бозорга келиб-кетувчи харидорлар, серкаторлар йўлдан ўтаётган транспорт воситалари эгалари ва бекатдаги йўловчиларнинг ушбу баннерга кўзи тушади.

Аслида кўзланган мақсад ҳам шу: аксарият истеъмолчиларда бирон маҳсулотга қизиқиш унинг рекламасини кўрганда пайдо бўлади. Дарҳақиқат, маҳсулотларни сотишда, унинг хусусиятлари ҳақида истеъмолчиларга маълумот етказишда рекламанинг ўрни беқеъсидир. Шу ўринда қаҳва рекламасига яна эътибор қаратсак, унинг дизайнига эътироз билдира олмасак-да, ўзбек тилида берилган таъриф киши гашини келтиради. Лаззат — таом ёки ичимликнинг инсон мазза-таъм билиш аъзолари орқали сезиладиган хусусияти. Кўчма маънода ҳам лаззатнинг хоҳ эски, хоҳ янги қиёфаси бўлишига ишонини қийин.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир». Бугунги кунда ўзбек тилининг қўлланлиши доираси тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам унинг нақадар бой тил эканлигидан далолат беради. Айниқса, техник воситаларда, илмий нашрларда ва интернет тармоғида ўзбек тили ўз ўрни ва маъқени эгаллаб бормоқда. Муқтадил давлатимизнинг байроғи,

герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тинчликлардан бири бу — ўзбек тили. У — маданият кўзгуси, унда нафақат маъжуд, инсонни ўраб турган дунё, балки халқимизнинг менталитети, миллий характери, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, қадриятлари акс этади.

Афсуски, сўнгги пайтларда шаҳар кўчалари, хибонлари, бино ва иншоотлари, ёритиш устунлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига жойлаштирилган айрим реклама, эълон, ёзув ва турли ахборотларда орфографик хатолар учраётганидан кўз юмиб бўлмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур хатолар «Давлат тили ҳақида», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган талабларни бузидиган иккиламачи ва маънавийтимизга зид маънолар келиб чиқадиган мазмунга эга бўлмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2015 йил 19 мартда бино ва иншоотларда ҳамда ёритиш устунларида жойлаштирилган хусусий



эълон, реклама ва турли ахборотларни тартибга келтириш буйича қарор қабул қилинди.

Албатта, бугунги ҳаётимизни рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бойси, ҳар бир жабҳада, кундалик турмушимизда ҳам ундан фойдаланишга тўғри келади. “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “реклама” ва “реклама воситалари” тушунчасига алоҳида таъриф берилган бўлиб, унга кўра, реклама дейилганда бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар ҳамда хизмат кўрсатиш белгилари ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ҳамда ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатилган махсус ахборот тушунилади.

Демак, мазкур тушунча реклама уни берувчи, тайёрловчи, тарқатувчи ҳамда ундан фойдаланувчилар ўртасида юзга келадиган, асосий эътибор — фойда

олишга қаратилган муносабат эканлигидан далолат беради. “Реклама воситалари” дейилганда эса рекламани ундан фойдаланувчиларга етказиш учун ишлатиладиган воситалар англанади.

Ҳозирги кунда тарғибот воситаларининг кенг тарқалган ва оммавийлиги жиҳатидан унга хос бўлган турли буюм таъкидлашди. “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида таъкид қилинган таъкидлаш воситалари маъносида тахталавқалар, экранлар, бинолар, иншоотлар, йўл чеккалари, кўча ёриткичларининг таянчлари ва ҳоказоларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг руҳсати орқали жойлаштирилган реклама ахбороти тушунилади.

Таъкидлашнинг кўча ёриткичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ва йўл белгилари, светофорлар, чор-

раҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда, шунингдек, бундай реклама йўл белгилари тасвирини такрорланмаган (ёки айнан тақдир қилмаган) тақдирда амалга оширилди.

Таъкидлашнинг маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргаларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек, дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.

“Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида “Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг таъкидлаш томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлаҳва) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг руҳсатини олиш талаб этилмайди”, деб ёзиб қўйилган. Лекин бу дўкон эгаси ёки юридик шахс пешлаҳвани исталган жойга ўрнатиб, унга мантиққа тўғри келмайдиган сўзларни ҳам ёзиши мумкин дегани эмас, албатта. Таъкидлашнинг субъектларидан ўрнатилган реклама, эълон, ахборотлар архитектура ва қонун талабларига жавоб бериши, матнларнинг давлат тилида тўғри ёзилиши, акс эттирилган кўринишлар маънавийтимизга мос бўлиши ҳамда мазкур тарғибот воситаларини жойлаштиришдан аввал

матнлар пухта текширилиши талаб этилади.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасида ҳам «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилди ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин»лиги белгилаб қўйилган. Аммо шунга қарамадан, шаҳар кўчаларида “Деври”, “Буфет”, “Центр обуви”, “Печати и штампы”, “Срочное фото”, “Цветная печать”, “Распечатка”, “Пригласительные”, “Переплет”, “Лаконирование”, “Визитки”, “Учебный центр”, “Подготовка абитуриентов”, “Языковые курсы”, “Бизнес курсы”, «Дошкольное обучение» каби эълонларга кўзимиз жуда кўп тушади.

Янада ажабланарли томони, хорижий тиллардаги пешлаҳваларни кўриб, «Келинлар кўзгони» фильмида Фармонбиби айтганидек, «Хўрозқанд чет элники деса, ётиб олиб яшашли-я», ледан хаёлга борасиз. Айтилган, ошхона хўрадаларнинг 90 фоиздан зиёди ўзбек бўлса, унга инглиз ёки французча номнинг нима кераги бор? Турли фирмалар ва масъулияти чекланган жамиятлар, тарчи, хорижий инвестиция иштирокида ишламаса-да, ажабвий номлар билан атилашини ҳам тушуниш қийин. Ёки тўйхоналарни хорижий тилда номлашга нима асос бўлмоқда? Бу ўзбек тилига, яъни она тилимизга нисбатан беписандлик билан қарашнинг бир кўриниши эмасми?

Мухтасар айтганда, реклама, эълон, ёзув ва турли ахборотларда орфографик хатолар, маънавийтимизга зид ҳолатлар учрамаслиги учун саводхонликни ошириш, лавҳаларда хорижий сўزلардан кўра ўз она тилимиздаги жозибали иборалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

С.МАМИРОВ, «Adolat» мухбири

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийосий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Тахрир хайяти:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАТОВ

Тошўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Йўлдошев Абдуқамол
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қовоқ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Ҳар ҳафтада босилади. Буюртма Г — 500. Адади — 11877. Босишга тошпириш вақти — 21.30. Босишга тошпирилади — 22.00. Баҳоиси келишилган нарҳда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5237



1 2 3 4 5